201__ A
Alisher Navoiy

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

5 (489) ● 2018 йил 31 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган барча ютуқ ва марралар Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Ислом Каримов Ўзбекистонни мустақил, жаҳонда ўз ўрни ва сўзига эга давлатга айлантирди. Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимиз тараққиёти йўлида юксак фидойилик кўрсатиб меҳнат қилгани халқимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолди.

...2018 йил. 30 январь. Биринчи Президентимиз бир неча йил меҳнат қилган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри. Атроф оппоқ қорга бурканган, осмон мусаффо. Муаззам бино тепасида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, Қашқадарё вилоятининг кенг жамоатчилиги, талаба-ёшлар Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун йиғилган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ислом Каримов ўша оғир ва мураккаб йилларда, кейинчалик мустақиллик даврида ҳам Қашқадарё вилоятининг иқтисодиётини кўтариш, одамларни рози қилиш йўлида тиним билмай меҳнат қилди. Вилоят аҳли, ёши улуғлар у кишининг меҳнасеварлиги, эзгу ташаббуслари ва беминнат ёрдамларини доимо ёдда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислом Каримов бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак обрў-эътибор қозонди.

Буюк Йўлбошчимиз бошлаб берган оламшумул ислоҳотлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатнинг амалий ифодаси бўлди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Муҳтарам Қашқадарё аҳли!

Шу кунларда мамлакатимизда буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, Биринчи Президентимиз ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоалари, таълим масканларида юбилей тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун қадимий ва гўзал Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали очилаётгани, албатта, бежиз эмас. Ўйлайманки, барчамиз, айниқса, сиз, азизлар бир ҳақиқатни яхши биласиз: Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёни, унинг мард ва олижаноб элини буюк бир меҳр билан севар, бу заминни Ватан ичра Ватаним, деб ардоқлар эдилар.

Биринчи Президентимиз сиёсий фаолиятининг унутилмас саҳифалари айнан шу замин билан боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. У киши яқин тарихимизнинг энг қийин ва мураккаб даврида — 1986-1989 йилларда Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилдилар.

Тарихда "пахта иши", "ўзбек иши" деб ном олган сиёсий кампаниялардан энг кўп азоб чеккан Қашқадарё вилояти учун Ислом Абдуғаниевичнинг раҳбар бўлиб келиши Яратганнинг беқиёс марҳамати бўлган эди.

Турли зуғум ва қатағонлар авж олган ўша қалтис замонда у киши ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, чинакам мардлик ва жасорат фазилатларини намоён этдилар.

Ислом ака минг-минглаб бегуноҳ одамларни зулм чангалидан қутқариб олганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Меҳнаткаш ва матонатли бу эл Ислом Абдуғаниевични ўз фарзандидек қабул қилиб, унга туз-насиба бергани, озодлик ва адолат йўлидаги курашларда унга камарбаста бўлгани — бу ҳам ҳақиқат.

Ислом ака Қашқадарёга келса, ўз уйига келгандек, бу ердаги одамларни кўрганларида, энг яқин қадрдонларини кўргандек яйраб кетишларига барчамиз кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Улуғ Йўлбошчимиз Қашқадарё — бу Оллоҳ назари тушган юрт, Ўзбекистоннинг беҳисоб бойликларга эга хазинаси, деб таърифлар эдилар.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МАҚБАРА МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Муҳтарам Самарқанд аҳли!

Барчангизга маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд айёми бутун мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Мана, ҳозиргина Қашқадарё вилоятида бўлиб қайтдик. Қарши шаҳрида Ислом Абдуғаниевич хотирасига бунёд этилган ҳайкалнинг тантанали очилиши ва эҳсон маросими бўлиб ўтди. Ана шу хотира тадбирларининг давоми сифатида сизлар билан азим Самарқанд шаҳрида, том маънода табаррук заминда яна бир тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Қадимий Самарқанд диёридаги энг биринчи масжид бўлмиш машҳур Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида Биринчи Президентимизнинг мақбара ёдгорлигининг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Не-не буюк воқеаларга гувоҳ бўлган, қанча-қанча улуғ зотлар мангу ором топган бу кўҳна заминда, Ҳазрати Хизр ва Шоҳи Зинда зиёратгоҳлари ёнига бугун яна бир қутлуғ қадамжо қўшилмоқда.

Ҳаммангиз хабардорсиз, ўзларининг васиятига биноан Биринчи Президентимиз айнан мана шу муборак масканга дафн этилган эди.

Албатта, биз бу ёдгорлик мажмуасини кенг ва катта майдонда, жуда маҳобатли қилиб қуришимиз ҳам мумкин эди. Лекин бир ҳақиқат ҳаммамизга яхши аён: раҳматли Ислом ака ғоят камтарин, самимий, оддий инсон эдилар. Ортиқча ҳашам ва дабдабани ёқтирмас эдилар.

Кўпни кўрган, донишманд халқимиз яхши тушунади: улуғ шахслар хотирасига бунёд этилган ёдгорлик обидаларининг қиммати, аввало, ана шу инсоннинг ўз халқи ва Ватани, келгуси авлодлар олдидаги эзгу ва савоб ишлари, одамлар қалбида қолдирган сўнмас хотираси билан ўлчанади.

Барчамиз гувоҳмиз: Ислом аканинг вафотларидан сўнг бутун юртимиздан, ер юзининг турли ўлкаларидан бу ерга минг-минглаб зиёратчилар оқиб кела бошлади.

2-бет

Маънавий-маърифий тадбир

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ АСОСЧИСИ ВА БОШ МЕЪМОРИ

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча ютуқ ва марраларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг номи ва фаолияти билан боғлайли. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб "Ислом Каримов — мустақил давлат асосчиси, бош меъмори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз янги тарихида тутган ўрни, истиқлол меъмори сифатида амалга оширган ишлари ҳақида тўхталди.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг янги тарихида ўчмас из қолдирди, — деди партия етакчиси. — Бу инсоннинг она юрт, халқ манфаати йўлида кўрсатган жасорати, матонати натижасида мамлакатимизда буюк келажакнинг тамал тоши қўйилди, давлатимизнинг ҳуқуқий асослари яратилди, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик. Барча соҳада амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизни ривожланиш сари етаклади, халқимизни буюк ишларга чорлади. Биргина таълим соҳасига қаратилган эътибор натижасида ҳар бир ҳудудда замонавий, кўркам билим даргоҳлари қад ростлади, уларда барча шарт-шароит муҳайё этилди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мана шу даргоҳ — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида яратилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга сазовор. Ватанпарварлик она тилини билишдан, уни асраб-авайлашдан бошланади. Мазкур таълим масканини Биринчи Президентимизнинг ватанпарварлик, она тилимизга бўлган чексиз ҳурмати намунаси, дейиш мумкин.

3-бет

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА ВА МАСЪУЛИЯТДИР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Мурожаатномада қачон ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади, дея таъкидланган. Халқ билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан ёндашиш, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга кўмаклашиш партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ҳамкорликдаги фаолиятини тақозо этади. Бу эса Президентимиз белгилаб берган ҳар бир вазифанинг ҳудудлардаги ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Жиззах. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ҳам муносиб иштирок этишга интилаётир. Партия ғоялари, дастурий мақсад-вазифалари амалий тадбирлар воситасида кенг жамоатчиликка етказилмоқда.

4-бет

Ўзлик ҳақида суҳбат

"ШЕЪР — ДАРД, ДАРД — СИЁСАТ"

ЁХУД ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ, ПУБЛИЦИСТ ВА ПАРТИЯ ФАХРИЙСИ ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ФОРМУЛАСИ

Ўзлигини англаган шахс — ўз "мен"ини тарбиялаган, маънавияти юксак, теран фикрли, кенг тафаккурли инсон. Бундай юксак фазилатлар эгасидаги донишмандлик секин-аста зоҳирдан ботинга қўча боғлайди, ўзининг яхши фазилатлари, интеллект даражаси билан атрофдагилар меҳр-эътиборини қозонади.

Ўзлик тушунчаси шу қадар қадимий ва теранки, у ҳақда узоқ йиллардан бери гапирилади, таҳлил ва талқин қилинади. Ўзлик муаммоси шу қадар долзарбки, унинг аҳамияти ҳақида истаганча баҳслашиш мумкин. Бугун замон жамиятнинг ҳар бир аъзосидан миллий ўзлигини англаш, ўз "мен"и, ўз позициясига эга бўлиш, қарашлар ва манфаатлар тўқнашуви жараёнларида ёт ғоялар "вируси"га чалинмасдан ўтишини тақозо қилаётган бир пайтда, ўзликни англаш ҳақида ботбот суҳбат қуриш мумкин.

6-бет

ЎзМТДП — устувор вазифалар

МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШЛАР — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

ЎзМТДП ИШЧИ ГУРУҲИ АЙНИ ШУ МАҚСАДДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ

Бугун замон сиёсий партиялар олдига аҳоли билан ёнма-ён бўлиш, уларни қизиқтираётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўрганиб, улар ечимига қаратилган аниқ ташаббусларни илгари суришни тақозо этмоқда. Мана шундай амалий саъй-ҳаракатларгина аҳолининг партияга бўлган ишончини ошириб, тарафдорлари сафи кенгайишига хизмат қилади.

Шу мақсад-вазифани амалга ошириш, партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Наманган вилоят кенгашлари масъулларидан иборат ишчи гуруҳ вилоятдаги маданий мерос объектлари ҳолати, улардаги мавжуд муаммолар, вилоят мусиқали драма театрининг фаолияти ҳамда Наманган халқаро аэропортида сайёҳлар учун яратилган қулайликларни ўрганди.

5-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр курсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
5 (489) 2018 йил 31 январь, чоршанба

ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номини абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизнинг Фарғона йўли кўчасидаги жомъе масжидга "Ислом ота" номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қарор ижроси доирасида Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошчимизнинг ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз бўйлаб маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Маросимда Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Эсонбой Ражабов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Қарши давлат университети доценти Абдураҳим Эркаев, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова сўзга чиқиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов Қашқадарё халқини чексиз муҳаббат билан севгани, бу воҳани саноати ривожланган ҳудудга айлантиргани, қолаверса, бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Шу куни Ислом Каримов ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

* * *

Буюк давлат ва жамоат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида 30 январь куни Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган фаоллар, нуронийлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигимиз асосчиси, буюк сиёсатчи ва оқил ислоҳотчи Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган ишлари Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирганини таъкидлади.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов 2016 йил 3 сентябрь куни ўз васиятига кўра, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди мажмуасида дафн этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ерда Биринчи Президентимизнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматларига муносиб улуғвор мақбара мажмуаси қуришга қарор қилинди.

"Бу табаррук маскан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг азиз ва ардоқли фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мангу оромгоҳидир". Ушбу сўзлар мажмуага кираверишда ўрнатилган мармар лавҳада ўзбек ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган.

Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ишлари ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди ва бутун жаҳон маданий меросининг объектларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Хизр масжидига уйғун мақбара лойиҳаси тасдиқланди.

Мажмуа қурилишига юртимизнинг турли ҳудудларидан моҳир қурувчилар, уста ва ҳунармандлар жалб этилди. Мақбара учун хориждан қимматбаҳо тошлар, айвон устунлари ва зина панжаралари, ёзувли оқ оникс ва оникс тошлари келтирилди.

Мақбара ичида оқ қабр тоши ўрнатилди. Деворлар қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, уларга олтин суви билан ишлов берилди. Мақбаранинг пастки қисми яшил оникс тошлар билан қопланган. Гумбази Ҳазрати Хизр мажмуаси билан ҳамоҳанг тарзда барпо этилди.

Мажмуа ҳудудида миллий услубдаги айвон бунёд этилди. Бу ерда зиёратга келувчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган, ўриндиқлар қўйилган. Айвон пештоқларида Қуръони карим оятлари ҳамда Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзилган.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида лифт, имконияти чекланганлар учун кўтаргич мосламалар ўрнатилди. Замонавий тунги ёритиш тизими яратилди. Ислом Каримов кўчасини мажмуа билан боғловчи кўприк барпо этилди.

Қурилиш жараёнида Ҳазрати Хизр масжиди ҳам реставрация қилинди, минора керамика тошлари билан безатилди. Мажмуага олиб борувчи йўлакларга гранит тош терилди. Бельгиядан келтирилган каштан (қорақайин), шунингдек, Крим қарағайи, можжевельник (кора арча), бутасимон дарахтлар экилди, яшил майсазорлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги бир йилдан кўпроқ вақт давомида Самарқандга ҳар бир ташрифи чоғида мажмуа қурилиши жараёни билан яқиндан танишди. Ушбу масканни юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларидан бири сифатида обод қилиш, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида маслаҳат ва тавсиялар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Меҳнат фахрийси Тўлқин Аҳмаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Хосият Бобомуродова, Самарқанд шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Ғафуров, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ушбу мажмуа давлатимиз ва халқимизнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми сифатида қутлуғ зиёратгоҳ бўлишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари мақбарани зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар.

Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди.

Ислом Каримов мақбара мажмуасига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган фаоллар, кенг жамоатчилик, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, Самарқанд вилояти аҳолиси томонидан гуллар қўйилди. Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

30 январь куни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди, эҳсон ошлари берилди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ҲАЛҚИМИЗ БУЮК ФАРЗАНДИНИ УНУТМАЙДИ

30 январь куни мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг миқёсда нишонланди.

Шу куни Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Биринчи Президентимиз хотирасини ёд этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходимлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, хотирасини ёд этди.

Биринчи Президентимиз азиз умрини юртимиз, халқимиз бахту саодати, бугунги тинч ва фаровон кунларимизга бағишлади, халқимиз ташвиши билан яшади. Бизга озод ва обод Ватанни мерос қолдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилаётгани халқимизни қувонтирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги ва 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорлари ижроси доирасида Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Ислом Каримов ҳайкаллари қад ростлади, у киши узоқ йиллар самарали фаолият юритган Оқсарой қароргоҳи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди, Тошкент халқаро аэропорти, йирик муассаса ва ташкилотлар, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги марказий кўчаларга буюк Йўлбошчимиз номи берилди. Бу каби хайрли ишлар давом этмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари, Президентимизнинг Давлат маслаҳатчилари иштирок этди.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қашқадарё аҳлини эса ҳар қандай шароитда ҳам ишонса бўладиган, меҳр-оқибат ва одамийликни жойига қўядиган жасур ва мардона эл, деб эъзозлар эдилар.

Чироқчидаги оддий чўпондан тортиб, Шаҳрисабздаги моҳир усталаргача, Муборакдаги газчилар, Ғузордаги миришкор фермерлардан тортиб, Қамашидаги полвонлар, Деҳқонободдаги бахшиларгача — ҳаммаси Ислом аканинг кўнглига яқин ва қадрли эди.

У киши сиз, азизларнинг эзгу фазилатларингиз учун доимо миннатдор бўлиб яшадилар. Яхшиликнинг қадрига етадиган Қашқадарё эли ҳам ўзига доимо елкадош бўлган, шу заминга буюк фарзандлик меҳри билан яшаган Ислом Каримов билан ҳамиша фахрланади.

Сизлар билан 2016 йил 16 ноябрда, Президент сайлови арафасида бўлган учрашувда Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз ҳайкалини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик.

Бугун ана шу эзгу ниятимиз амалга ошмоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг бу қутлуғ масканда очилаётган улуғвор сиймосида у кишининг ўзи севган Қашқадарё заминига юксак меҳри ва эътиборини кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Сизларга маълум, Биринчи Президентимизнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида барпо этилган муаззам ҳайкаллари бугунги кунда юртдошларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга айланди.

Ишончим комил, бугун Қарши шаҳрида очилаётган муҳташам обида ҳам Қашқадарё аҳли, бутун эл-юртимиз катта меҳр ва ҳурмат билан талпинадиган табаррук масканга айланади.

Азиз дўстлар!

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоятини Ўзбекистоннинг ривожланган минтақаларидан бирига, Қарши ва Шаҳрисабзни дунёдаги энг гўзал шаҳарларга айлантиришни истар эди.

Ана шу улуғ мақсадни амалга ошириш учун мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳбарлигида жуда кўп ишлар қилинди. Айниқса, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли каби ноёб иншоотлар айнан Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини барчамиз чуқур миннатдорлик билан эслаймиз.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик, Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

У киши имзо чеккан тарихий қарорга мувофиқ, Қашқадарё аҳли, бутун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Шаҳрисабз шаҳрида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Қашқадарё вилоятида бу ишлар ҳозирги кунда янада кенг миқёсда давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Вилоят ҳудудида ўнлаб замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Айниқса, Қарши — Шаҳрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйиш, Абу Муъин Насафий бобомизнинг ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, шу йилнинг куз ойида Шаҳрисабзда халқаро мақом анжуманини ўтказиш ва бошқа катта лойиҳалар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Бундай улкан ишлардан халқимиз рози бўлади, муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг руҳлари шод бўлади, деб ўйлайман.

Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Биринчи Президентимиз илк бор 1986 йилда — юртимиз осмонини қора булут қоплаган қалтис бир пайтда Қашқадарёга келган эдилар. Ўша даврдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача бу саховатли замин билан, унинг олижаноб халқи билан бирга бўлдилар.

Азиз Юртбошимизнинг вилоятларимизга қилган охирги ташрифи ҳам айнан Қашқадарё воҳасига бўлган эди. Ўйлайманки, бунда ҳам жуда катта маъно бор.

Бугун очилаётган муҳташам ҳайкал тимсолида Ислом Абдуғаниевич ўзи учун бехад қадрли бўлган Қашқадарё аҳлига тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилаб, гўё бу қутлуғ заминга фарзандлик меҳри билан таъзим қилаётгандек туюлади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муаззам обида барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш рамзи бўлиб қолади, Қашқадарё аҳлини буюк марраларга даъват этиб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гўзал ва бетакрор мажмуани барпо этишда иштирок этган ҳайкалтарош ва меъморларга, қурувчиларга, бу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга, бутун Қашқадарё аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мустақил Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қашқадарё замини ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Ислом Абдуғаниевичдек мард ва фидойи инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Улуғ устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!

Яна бир бор катта раҳмат сизларга!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МАҚБАРА МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шунинг ўзиёқ мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, мамлакатимизга 27 йил давомида раҳбарлик қилган Биринчи Президентимиз ўзининг буюк тарихий хизматлари билан халқимиз хотирасида, жаҳон жамоатчилиги ўртасида қанчалик ёрқин из қолдирганини кўрсатади.

Ишончим комил, бугун ушбу мақбара очилиши билан зиёратчилар оқими янада кўпаяди. Бу маскан одамлар, айниқса, ёш авлодимизнинг қадами ҳеч қачон узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, катта тарбия масканига айланади.

Азиз дўстлар!

Улуғ Юртбошимизга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ҳақида, унинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, яқин ўтмишда барчамизнинг юрагимизда оғир яра бўлиб қолган бир воқеа кўз олдимиздан ўтиши табиий, деб ўйлайман.

Биз ўзгаларга қарам бўлиб яшаган мустабид тузум даврида бутун онгли ҳаётини эл-юрт равнақига бағишлаган инсонлар, аввало, республикамиз раҳбарлари хотирасига, афсуски, муносиб иззат-икром кўрсатилмади. Бунинг ўрнига уларнинг шаънига турли туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилганини кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ҳозиргача афсусланиб эслайдилар.

Одамийликни, инсон хотирасини ҳамиша азиз ва муқаддас деб биладиган бизнинг халқимиз бундай адолатсиз ишларни асло қабул қилмайди. Юртимизда бундай номаъқул ишларга энди ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Ватан учун, халқ учун бутун борлиғини бахш этган, ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилган улуғ зотларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг мамлакатимизда доимо биринчи ўринда туриши, керак бўлса, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Шундагина биз ўз қадр-қимматини чуқур англаган, бошқалар ҳам ҳурмат қиладиган халқ ва миллат сифатида ўзлигимизни намоён қила оламиз.

Қадрли юртдошлар!

Кўз ўнгимизда қад ростлаб турган ушбу бетакрор мажмуа, аввало, мустақиллигимиз асосчиси, истиқлолимиз меъмори бўлган муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг ўлмас хотирасига халқимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтироми ва меҳр-муҳаббатининг амалий ифодаси сифатида барпо этилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган минглаб бунёдкор қурувчилар томонидан қисқа муддатда бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бу муҳташам мақбара мажмуасини қуришда Шарқ олами, хусусан, Ислом Абдуғаниевич жондан севган Самарқанд тарихий обидалари, миллий меъморлик мактабига хос усул ва анъаналар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби буюк боболаримиз мақбараларининг гумбазлари, ноёб нақшлари ва деворий безакларидан ижодий фойдаланилди.

Ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишда муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор беришингизни сўрар эдим. Мақбара пештоқларига муқаддас Қуръон оятлари ва ҳадис намуналари битилган бўлиб, уларда теран маъно мужассам. Бу илоҳий калималар ҳар қайси инсонни маънавий жиҳатдан покланишга, ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқурроқ англашга даъват этиб туради.

Зиёратгоҳ ёнида бунёд этилган ўзбекона гўзал айвон деворларига муҳрланган Биринчи Президентимизнинг ҳикматли сўзларида айтилганидек, инсон бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин ҳам унинг эзгу ишлари, эзгу хотираси мангу яшайди.

Бу борада Ислом Абдуғаниевичнинг ўзлари барчамиз учун юксак ибрат ва ўрнак намунаси бўлиб яшадилар, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуани барпо этишда иштирок этган меъмор ва қурувчилар, пудратчи ташкилотлар вакилларига, бу хайрли ва савоб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга, Самарқанд аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мард ва олижаноб, бағрикенг халқимиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовни, ул зотнинг Ватан олдидаги беқиёс хизматларини ҳеч қачон унутмайди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом акамизнинг охиратлари обод бўлсин!

Мана шундай буюк инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Маънавий-маърифий тадбир

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ АСОСЧИСИ ВА БОШ МЕЪМОРИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бир сўз билан айтганда, бу улуғ инсоннинг халқимиз олдидаги бебаҳо хизматлари, юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Энг муҳими, у киши бошлаган эзгу ишларни изчил давом эттириш, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда кўмакдош бўлишимиз лозим.

Маънавий-маърифий тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Акмал Саидов, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори Абдулҳай Собиров фидойи раҳбарнинг босиб ўтган йўли, оғир ва машаққатли йилларда амалга оширган улкан ишлари ҳақида тўхталди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиздан мерос қадимий обидаю зиёратгоҳларни ободонлаштириш, улар тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш, бир сўз билан айтганда, миллий ўзликни англаш борасидаги ишлар Биринчи Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан амалга оширилди. Ҳали истиқлолга эришмасданоқ, яъни 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани она тилимизнинг қадди ва қадри тикланганини ўзида ифодалади. Ислом Каримов раҳбарлигида она тилимизни асраб-авайлаш, ўрганиш, софлигини сақлаш борасида олиб борилган ишларни янада юқори поғонага кўтариш бугунги авлод олдидаги муҳим вазифа сифатида қайд этилди.

Таъкидланганидек, юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ташвиши билан яшаш эзгу маслаги бўлган улуғ инсоннинг порлоқ хотираси халқимизнинг, ўғил-қизларимизнинг ёдида мангу сақланиб қолади. Биринчи Президентимиз тимсоли ҳар бир юртдошимизнинг Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундай инсоннинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳам шараф, ҳам фарздир. Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Тошкент халқаро аэропорти, Асака автомобиль заводи, Тошкент давлат техника университети, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳрида у кишининг маҳобатли ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимиздаги Оқсарой қароргоҳида, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий меъмориал мажмуа, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейи ташкил этилди.

Сўзга чиққан партия фаоллари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий мақсад-вазифалари бўлган миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш масаласи, "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга ошириш вазифаси бевосита мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалишдир" тамойили асосида яратилганини алоҳида эътироф этдилар. Биринчи Президентимиз билан бевосита мулоқотда бўлган партия фаоллари Ислом Каримовнинг мамлакатимиз тарихига дахлдор буюк ишлари парламент ва сиёсий партиялар ролини оширишдаги ташаббуслари ҳақида атрофлича тўхталдилар. У кишининг Ватан ва халқ манфаатини кўзлаб амалга оширган саъй-ҳаракатларини изчил давом эттиришда партия ташкилотлари ва депутатлари фаол, ташаббускор бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Партия фаоллари, депутатлар, "Ёшлар қаноти" етакчилари пойтахтимиздаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

—Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси, миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қарори билан ҳар йили Биринчи Президент таваллуд топган сана — 30 январь куни мамлакатимизда кенг нишонланиб, 2 сентябрь куни Хотира куни сифатида ёд этиш белгиланди. Шу муносабат билан ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, "Ёшлар қанот"лари жойларда буюк Йўлбошчи хотирасига, 80 йиллик юбилейига бағишлаб турли тадбир ва учрашувлар ташкил этмоқда. Бундай маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатларида Биринчи Президентимизни яқиндан билган, бевосита ҳамсуҳбат бўлган инсонларнинг илиқ хотиралари асосидаги маърузаларида Ислом Каримовнинг миллий мустақиллигимиз, маънавиятимиз, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги фидойилигининг кўпчиликка номаълум қирралари ёрқин очиб бериляпти. Бугунги тадбирда ҳам Биринчи Президентимизнинг ўзбек тили ва миллий адабиётимиз ривожи йўлида амалга оширган ишлари хусусида маълумотлар берилди. Бу эса бўлажак тилшунос, адабиётшунос ёшларни эзгу саъй-ҳаракатлар сари руҳлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

У КИШИ УЧУН МАСАЛАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ ЭДИ

Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, шоир-ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Ислом Каримов тарихнинг мушкул палласида — миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди. Унинг раҳбарлигида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилди, бой берилган миллий ғурур ва қадр-қиммат, кўҳна тарихий-маданий мерос ва маънавий қадриятлар тикланди.

Биринчи Президентимиз барчамизнинг меҳримизни қозонган оқил ва доно раҳбар эди. Илк бор бу улуғ инсон билан 1998 йил 2 декабрь куни учрашганман. Оқсаройда бўлиб ўтган тадбирда менга ҳам сўз берилганда, "Навоийлик хотин-қизлар сизни жуда яхши кўради. Улар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга бефарқ эмас, аксинча бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда", дедим ҳаяжонланиб. Шунда у киши "Мен ҳам уларни яхши кўраман, уларга ҳурматим чексиз. Менинг миннатдорлигимни, албатта, етказинг", деди. Шундан кейин ўтган фаолиятим давомида 20 мартадан зиёдроқ у киши ўтказган турли йиғилиш, учрашув ва тадбирларда иштирок этдим. Эсимда, 2005 йил 27 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида сўзлаган нутқида мамлакатимизда икки палатали парламентнинг фаолият юритиши барча қонунларни пухта-пишиқ тайёрлаш ва қабул қилиш, уларда ҳудудларимиз манфаатини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришга имконият яратишини, қонун ва қонуности ҳужжатлари халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Биринчи Президентимиз ҳар бир масалага, у каттами кичикми эътибор билан қарар эди. 2008 йил январда Президентлик лавозимига киришиш учун қасамёд қилганида Ислом Абдуғаниевич Каримов парламент аъзолари кўз ўнгида ҳақиқий халқ етакчиси сифатида намоён бўлди. Маросимдан сўнг ҳар бир вилоят вакиллари билан алоҳида учрашиб, вилоятдаги аҳвол, қандай муаммолар борлиги ва таклифлар бўйича юзма-юз сўзлашгани ёдимдан чиқмайди. Ўзи севган халқининг яшаш шароити, орзу умидлари билан қизиққан давлат раҳбари, эл-юрт манфаатини ҳар нарсадан-да устун қўйган бу бағрикенг инсон ҳеч қачон унутилмайди. Хотираларимиз тўрида мангу яшайверади.

Анора БОБОМУРОДОВА, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Мусобақа

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Спорт — миллат ғурури, мамлакатнинг шаъни ва довруғини дунёда юксалтирувчи муҳим восита. Юртимизда спорт соҳасига қаратилаётган эътибор натижасида бугун кўплаб спортчиларимиз дунё миқёсидаги қатор мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Олимпия ва паралимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва турли совринли натижалардаги галабалар бунга яққол далилдир.

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясининг Қашқадарё вилоят бўлими ҳамда вилоят кўзи ожизлар жамияти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишлаб паралимпия спортчилари ўртасида оғир ва енгил атлетика, шахмат-шашка бўйича вилоят биринчилиги ташкил этилди. Унда турли ёш ва вазн тоифасидаги спортчилар беллашди.

Турли босқичлардан муваффақиятли ўтган паралимпия спортчилари якуний баҳсларда юқори натижаларни қайд этишди.

— Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу мусобақадан асосий мақсад — паралимпиячи ва имконияти чекланган ёш спортчиларимизнинг маҳоратини яна бир бор намоён этишлари учун имкон яратишдир, — дейди ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Дилшод Жамолов. — Уларнинг маълум бир имкониятлари чекланган бўлса-да, ҳаётга бўлган қарашлари ўзгача, орзу-умидлари бир олам. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор туфайли, уларнинг ҳаётга бўлган ишончи ошяпти, умидлари юксаляпти.

— Мусобақада спортнинг оғир атлетика тури бўйича қатнашдим, — дейди 67 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги мусобақада биринчи ўринни эгаллаган, икки карра Ўзбекистон чемпиони Исмира Исломова. — Дастлаб 80 килограмм, иккинчи галда 85 килограмм ва сўнггида 90 килограммли тошни кўтариб, яхши натижани қўлга киритдим. Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу мусобақа халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишимда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қарши шаҳридаги кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасидан ҳозирга қадар кўплаб паралимпиячилар етишиб чиққан. Бу мусобақада ҳам мазкур муассасадан 12 иштирокчи орасидан 5 нафари совринли натижаларни қўлга киритди.

— Спортчиларимиздан Нилуфар Норқобилова шахматда ва Шерали Хуррамов шашка мусобақасида тенгдошлари орасида юқори натижаларга эришди, — дейди Қарши шаҳридаги кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқитувчиси Ўткир Жумаёров. — Ақл машқида уларнинг ўзига хос фикрлаши, мулоҳаза юритиши яққол сезилди. Мактабимиздан ҳали кўплаб умидли спортчиларнинг етишиб чиқишида биз устозлар бор имкониятимизни сафарбар этамиз.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишлаб ўтказилган мазкур мусобақа якунида барча иштирокчиларга ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси

Депутат нигоҳи

Инсоният пайдо бўлибдики, доимо мукаммалликка интилиб яшайди. Барча замон ва маконда бу мавзу бош масала бўлган. Ўз даврининг буюк алломалари баркамол шахс чизгилари ҳақида ўз фикр, гоя ва тасаввурларини баён қилишган.

ҲАЗРАТИ ИНСОН ТАФАККУРИНИ ЎЗИДА ЖО ЭТГАН АСАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббусларида ҳам баркамол шахсни тарбиялаш долзарб масала сифатида яққол намоён бўлмоқда. Китобхонликнинг кенг тарғиб қилиниши, "Адиблар боғи"нинг ташкил этилиши, ёш ижодкорларнинг Зомин семинари тикланиши, адиблар ва матбаачиларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар — буларнинг барча-барчаси айни шу эзгу мақсадларга қаратилган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ҳам барча ишларимиз ва саъй-ҳаракатларимизда маънавий дарслик деб биламиз. Китобда инсониятнинг тарихий тараққиёти "Инсон ва маънавият" нуқтаи назаридан таҳлил этиб берилган. Юксак маънавиятли жамият қуриш нафақат буюк алломаларнинг, балки энг оддий инсонларнинг ҳам оддий орзуси бўлиб келган.

Асарни ўқиб-ўрганган инсон маънавият жўн тушунча эмаслигига яна бир бор амин бўлади. Ишни нимадан бошлаш керак, деган саволга "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига мурожаат қилишдан бошлаш керак, деб жавоб қилиниши табиий. Негаки, асар келажагимизга масъуллик руҳи билан ёзилган, қолаверса узоқ йиллар давомида тўпланган билим ва ҳаётий тажрибалар маҳсулидир.

Китобдаги "маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак", деган теран мазмунли фалсафий хулоса инсон ва маънавият масалалари билан шуғулланувчилар фаолиятининг мазмун-моҳиятига айланиши лозимлигини англатади. Оддий хизматчидан тортиб юксак мартабали раҳбаргача, болалар боғчасидаги тарбиячидан тортиб йирик олимгача, уйида бола тарбияси билан машғул онадан то ҳар куни иша бориб келаётган отагача — барча-барчаси таълим-тарбия масалалари билан шуғулланадилар. Таълим-тарбия инсон қалбига йўл очади. Инсон қалбига йўл топишда таълим-тарбия, маданият ва маърифат соҳаси вакилларининг масъуллиги алоҳида эканлигини қайд этиш лозим.

Жамият шиддатли ўзгаришлар, тезкор ахборот алмашувлари даврига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Вақт ўтгани сари бу жараён жадаллашмоқда. Шунга мос равишда қарашларимиз, тушунчаларимиз, онгу тафаккуримиз ҳам замонавийлашиб, янгидан янги маълумотлар билан бойиб, билимларимиз кенгайиб, маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятимизни муттасил равишда тўлдириб, унинг қирраларини тизимлаштириб боришимизни тақозо этмоқда.

Баъзан маънавият — бу шу соҳа ходимларининг иши, деган мазмунан нотўғри фикрлар ҳам қулоққа чалиниб қолади. Маънавият — ҳаммамизнинг ишимиз, юриш-туришимиздан тортиб гапирилаётган ҳар бир сўз, жумла маънавиятга дахлдор. У кўча-кўйда бўладими, бирон тадбир ёки бошқа жойдами, бир хил қийматга эга. Айниқса, таълим соҳасида таълим-тарбиянинг узвийлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўқимишли инсон маърифатли бўлиши, бошқалардан бир даража юқори туриши лозим. У қанча кўп ўқиган бўлса, шу даражада юксалиши ҳам сир эмас.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз асари воситасида истеъмолга янги тушунчаларни олиб кирди: "маънавият" тушунчасини бойитди, унинг ниҳоятда серқирралигини, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кам эмаслигини кўрсатиб берди. Шу ўринда "маънавий таҳдид" тушунчасига эътибор қаратайлик. Маънавий таҳдид — тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар, деб таърифланади. Маънавий таҳдид кўп ёхуд оз бўлса-да, ҳамма замонда ҳам бўлган. Ушбу асарда бу тушунча умумлаштирилган, таърифи келтирилган.

Биз бугун диний экстремизм, "оммавий маданият", ёт мафкуралар, "қалам акулалари", дауншифтерлар, айрим секталар ҳақида гапиряпмиз. Яна киберлудомания (гемблинг), космополитизм, эгоцентризм, гедонизм каби таҳдидли кўринишларга қарши маънавий кураш олиб боряпмиз. Уларнинг экспорт қилинаётганлиги, ёшлар учун ниҳоятда таҳдидли эканлигини таъкидлаяпмиз. Хўш, улар бугун бизга қай даражада таҳдид қилаяпти?

Яқинда бир йиғилишда ёшгина қизимиз "оммавий маданият" тўғрисида жўшиб гапирди. Қизимизнинг кийиниши эса менда бу қизча айтаётган гапларига нақадар амал қилади, ўзи нимани хоҳлайди, деган саволларни пайдо қилди.

Сайловчилар билан учрашиш мақсадида қишлоқларда кўп бўламиз. Бир мактабнинг дарвозаси рўпарасида ўрта ёшлилар, қариялар тўпланишиб, уззукун карта ўйнар экан. Ўқувчилар мактабдан чиқиб келяпти — уларнинг кўзи нимага тушяпти, онгу-шуурида қандай ўйлар кечяпти? 4 соат дарс осмонга учиб кетмаяптимикин?! Маҳалла раисига бир неча марта айтганимиздан сўнг карта ўйнаш жойини бироз нарироққа силжитишга эришдик, холос.

Назорат-таҳлилга чиқдик. Коллежга бордик. Ахборот-ресурс марказига кирсак, бир қиз кутиб олди. Жавонлардаги китобларга кўз югуртирдим. Ғоявий жиҳатдан мустақиллик мафкурасига мос келмайдиган китоблар турибди. Биттасини олиб, қиздан сўрадим. Бу китобчани ўқигансизми? Бу китобда нима ҳақида гап боради? Билмайди. Бошлиғини чақирдик. Зебу зийнатга чулғанган бир опа келди. Сўрадим. Билмайди. Директорнинг маънавият бўйича ўринбосарини чақиртирдик. У ҳам ўқимаган. Коллеж директорини чақиртирдик. Сўрадик, билмайди.

Зиёратгоҳлар буюк алломалар, улуғ зотлар таваллуд топган, улар мангу қўним топган табаррук жой. Унинг ёнидаги ресторанда ниқоб базми бўляпти, бир қараша яхши. Лекин шундай айланиб юрсангиз, эшитиб қоласиз — "горько", "горько". Ё, товба, деб ёқангизни ушлайсиз...

Шулар ҳақида ўйласам, "оммавий маданият" тўғрисида жўшиб гапираётган қизимиз ҳеч нарсани хоҳламаётгани, биз қандай овоз чиқараётган бўлсак, у худди шундай акс-садо бераётганини туясан киши.

Халқ шоири сувратимга боқилу майли, сийратимга тикилма фақат, деганида умуман бошқа мазмун-моҳиятни назарда тутганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Маънавий таҳдид ҳақида гапирганда, ташқаридан келаётган хавфдан огоҳ бўлишимиз яхши, лекин ички хавфлардан, иммунитетни сўндирадиган, дахлдорлик ҳиссини йўқ қиладиган ва алалоқибат таҳдид тусини оладиган хавфлардан ҳам огоҳ бўлишимиз зарур. Бу, албатта, жасоратни талаб этади.

Асарда "маънавий жасорат" тушунчаси ҳам илк маротаба қўлланилган. Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз, деб ёзган Ислом Каримов. Бу тушунча янгилик, эзгуликка бошловчи янгилик.

Асарда маънавиятни шакллантириш мезонлари батафсил тушунтириб берилган. Улар халқимизнинг тарихий ривожланиш жараёнида эришган барча урф-одатлари, илм-фани, инсоний муносабатларини қамраб олади. Масалан, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди, муқаддас динимиз, илмий-ижодий кашфиётлар, оила, маҳалла, таълим-тарбия... Бу мезонлар барча халққа хос, бу асардан бошқа халқлар, миллатлар ҳам унумли фойдаланиши мумкин. Маънавий жасорат, маънавий таҳдид тушунчалари ҳам барча халқларга хос бўлган тушунчалардир. Демак, бу асарнинг жаҳон миқёсидаги аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритишимизга асос бўлади. Инсоният комилликка интилар экан, албатта, у "Юксак маънавият — енгилмас куч" эканлигини идрок этиши, англаши зарур.

Ўрол ҲАИТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

MILLIY TIKLANISH
5 (489) 2018 йил 31 январь, чоршанба

Матбуот анжумани

ФРАКЦИЯЛАРАРО РАҚОБАТ МУҲИТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ШУ ВА БОШҚА САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлар ижроси юзасидан фракциянинг 2017 йилда амалга оширган ишлари сарҳисоби ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномадан келиб чиқиб, 2018 йилдаги вазифалари хусусида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган мазкур тарихий маърузалари асосида ўтган йилдан буён парламент палаталари, сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сенатор ва депутатларнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати ҳамда сайловчилар билан ишлаш борасидаги фаолиятида муайян натижаларга эришилмоқда.

Бу борада ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, самарали фаолият юритишга интилмоқда.

— Президентимизнинг дастуриламал маърузалари, уларда белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, фракциямиз ўз иш режасини қайта кўриб чиқди, тубдан янгилади, — деди С.Отамуратов. —Ҳар бир йўналишда олиб борилган ишлар, энг аввало, инсон манфаатини таъминлашга, одамларнинг дарду ташвишларини, муаммоларини ҳал этишга қаратилди. Фракция аъзолари ўтган йили қонун ижодкорлиги соҳасида партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган 20 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида ташаббускорлик кўрсатди. Шунингдек, 2017 йил 12 июлда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фракция аъзолари яна 3 қонун лойиҳасини ишлаб чиқди, унинг 2 таси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган 136 қонун лойиҳасининг 56 тасига фракция аъзолари масъул бўлди ва уларнинг такомиллаштирилишида фаол иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан фаолиятимизга Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда муҳокама этилган қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш амалиёти татбиқ этилди. Масалан, фракциямиз йиғилишларида биринчи ўқишда муҳокамадан ўтган 15 қонун лойиҳаси, жумладан, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳалари бошланғич, маҳаллий ва ҳудудий партия ташкилотларида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида, турли ташкилотлар ва жамоат вакиллари ўртасида атрофлича муҳокама этилди. Натижада қонун лойиҳаларига 300 дан ортиқ таклиф-тавсиялар келиб тушди ва улардан 78 таси инобатга олинди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, партия ва унинг фракцияси ўтган йилда ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишга алоҳида аҳамият қаратди. Фракция аъзолари ташаббуси билан маданият соҳасига оид 2 та — "Маданият тўғрисида"ги ҳамда "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририни қабул қилиш юзасидан ҳам фаол иш олиб борилмоқда.

Фракциянинг назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти бўйича ҳам муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига "Туризм тўғрисида"ги қонун ижроси ҳамда мамлакатда соҳани ривожлантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар яратиш истиқболлари ҳақида"ги парламент сўрови юборилиб, тегишли жавоб олинди ҳамда бу борада Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди. Шунингдек, фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш, ушбу қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш тўғрисидаги ахбороти эшитилиб, кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва ижроси назоратга олинди.

Фракция аъзолари ҳудудларда соғлиқни сақлаш муассасалари ҳолатини атрофлича ўрганди. Бунинг натижасида айрим ҳудудлардаги тиббиёт масканларида дори воситалари ва тиббий буюмлар етишмаслиги, ушбу муассасалар малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги, биноларнинг талабга жавоб бермаслиги каби муаммо ва камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Аниқланган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича маълумот тайёрланиб, Соғлиқни сақлаш вазирилигига тақдим этилди ва ижроси назоратга олинди. Фракция ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан даволаш муассасасининг Ягона ахборот макони концепцияси ишлаб чиқилди. Электрон амбулатор карталар, электрон навбат, янги навигацион мажмуани шифокорларга йўналтиришдан иборат ушбу ахборот тизими синов тариқасида дастлаб Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиникада жорий этилди. Бу тизим ижобий натижа бергани туфайли Соғлиқни сақлаш вазирлиги бугун уни республикамизнинг барча даволаш муассасаларида қўллашни режалаштирмоқда.

Фракция аъзолари "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганди ва муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрди. Ҳудудларда ўтказилган учрашувларда депутатлар 89 давлат органи, 541 тадбиркорлик субъекти, 319 ижтимоий соҳа объекти, 212 маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 4 минг 149 хонадон — жами 5 минг 310 объектдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан яқиндан танишди.

60 мингга яқин аҳоли вакиллари билан хонадонларда юзма-юз мулоқотлар ўтказди. Ўрганиш ва мулоқотлар давомида аҳоли, асосан, уй-жой коммунал, бандлик, таълим, тиббий хизмат, савдо ва маиший хизмат, банк-кредит, пенсия, нафақа таъминоти билан боғлиқ долзарб масалаларни кўтарди. Уларнинг учдан бир қисми жойида ҳал этилиб, қолганларига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Фракция аъзолари мурожаатлар асосида мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича тегишли ташкилотларга 86 депутатлик сўрови юбориб, 62 масалани (74 фоиз) ижобий ҳал этди, 13 мурожаат масъул вазирлик ва идоралар билан бирга ўрганилган бўлса, қолган 11 мурожаат 2018 йил Давлат дастурларига киритилди.

Матбуот анжуманида ЎзМТДП фракцияси жорий йилда ҳам қатор амалий ишларни бажаришни режалаштиргани алоҳида қайд этилди. Жумладан, маданият вазирининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ахборотларини эшитиш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини оғишмай амалга ошириш, қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция қабул қилиб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодекси, "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

— Президентимиз ўз маърузаларида қонунчилик амалиётида ишламайдиган, яъни "ўлик" қонунлар ҳақида сўз юритиб, танқид қилган эди. Сизнингча, "ўлик" қонунлар бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

— Ҳақиқатан ҳам, айрим қонунлар қонуности ҳужжатларига мувофиқ эмас ёки бир-бирига зид ўринлар мавжуд. Айрим қонунларда эса ишламайдиган меъёрлар кўп. "Ўлик", яъни ишламайдиган қонунлар ва уларнинг меъёрларидан воз кечиш учун, энг аввало, соҳалар бўйича қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказишимиз лозим. Бундай ҳолатга келгусида ҳам йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир соҳада қонун лойиҳасини тайёрлашда мавжуд ҳолатни пухта ўрганиш, уларни аҳоли, кенг жамоатчиликка мурожаат қилган ҳолда ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун қонун ижодкорлари, депутатлар доимий равишда халқ билан мулоқот қилиши, одамларнинг муаммо-қизиқишларини ўрганиши лозим. Ана шунда ҳаётий ва халқчил қонунлар яратилади, уларда ишламайдиган меъёрлар бўлмайди.

— Бугун партияларо рақобат, фракциялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар ва қизиқарли дебатлар қай даражада йўлга қўйилган? Бу борадаги мавжуд ҳолатни қандай баҳолайсиз?

— Бу борадаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмайди. Энг оғриқли нуқтамиз, энг катта камчилигимиз ҳам шунда. Фракциялар қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнида ўз партияси позициясини тўлақонли ҳимоя қила олаётгани йўқ. Партия ва фракциялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар ва қизиқарли дебатлар ҳам етарли даражада, деб бўлмайди. Фракциялар ўртасидаги соғлом рақобат, жонли баҳс-мунозара қонунчиликнинг янада такомиллашувига, миллий парламентимиз ривожига хизмат қилади.

— Бундан бир қанча вақт муқаддам ЎзМТДП фракцияси юртимиздаги маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг рўйхатини шакллантиришни охирига етказиш масаласини кўтарган эди. Бу борада нима ишлар амалга оширилмоқда ва қандай натижаларга эришилди?

— Тан олиб айтиш керакки, юртимиздаги барча маданий мерос объектлари тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилган, деб бўлмайди. Маданият вазирлиги маълумотларига кўра, айни пайтгача 7 мингдан ортиқ маданий мерос объектининг рўйхати шакллантирилган. Лекин қанчадан-қанча маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжати йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақам янада ортиши мумкин. Шу боис биз бу борада аниқ рўйхатни шакллантириш ишларини изчил давом эттиряпмиз. Шу пайтга қадар Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидаги тарихий масканларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланди ва рўйхатга олинди. Жорий йилнинг 10 февралигача барча маданий мерос объектларининг фотосуратларини йиғиб, Вазирлар Маҳкамаси ва Маданият вазирлигига тақдим этишни режалаштирганмиз. Қолаверса, маданий мерос объектларини ҳужжатлаштириш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида давлат бюджетидан йилдан-йилга кўпроқ маблағ ажратилишига эришаяпмиз. Масалан, 2017 йилда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун давлат бюджетидан 22,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2018 йилда бу 38,7 миллиард сўмни ташкил этди. Келгуси йилларда бу йўналиш учун маблағларни янада оширишни мақсад қиляпмиз.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш сифати ва даражасини оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига киради. Бу борада партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, хусусан, қуйи бўғинлари давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий

Таҳлиллар ўтган йилда халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўтган йилда сессиялар кун тартибига 32 масала, доимий комиссияларга 25 таклиф олиб чиқиб, қарор қабул қилинишига эришди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА ВА МАСЪУЛИЯТДИР

Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Қуйи бўғинлар, айниқса, ҳудудий масалаларга ечим топишда электоратнинг энг яқин суянчига айланган. ЎзМТДП Жиззах вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиб, ҳудуддаги мавжуд масала-муаммоларни ўрганиш, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини ҳудудий партия ташкилотлари ёхуд партиядан сайланган депутатларга етказишда бош-қош бўлаётир.

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши аъзоларининг асосий қисми навқирон авлод вакиллари, яъни 13,5 мингдан ортиқ партия аъзосининг 9 минг нафари ёшлардан иборат. Партия "Ёшлар қаноти" сафига бирлашган бу ёшлар бугун ҳар жабҳада фаол. Ўтган даврда "Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти" лойиҳаси, "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" акцияси, "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-ўй" каби лойиҳалар, очиқ мулоқот ва сайёр қабуллар, "Навоий ворислари" кўрик-танлови партия аъзолари орасида фаол ва ташаббускор ёшлар сони янада ортишига хизмат қилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида Жиззах вилоятида 16 бепул ўқув курси фаолият юрита бошлади. Мазкур курсларда 150 нафар уюшмаган ёшларга таълим берилди. Шунингдек, "Иффатли келин" нодавлат таълим муассасаси Жиззах вилоят филиалида ҳам ушбу лойиҳа доирасида ўқув-курслари ташкил этилди. Мазкур ўқув-курсларида маҳаллалардан жалб қилинган 20 га яқин уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатилди.

Партия ташкилотлари ўтган йилда халқ билан мулоқот қилиш ва уларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Масалан, партия вилоят кенгашидаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш секторига 1 минг 373 мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 677 таси партия ташкилотлари ҳамда депутатлар иштирокида ижобий ҳал этилди, 488 таси юзасидан тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборилди, қолганлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Рақамларга таянилса, Жиззах вилоятидаги ЎзМТДП ташкилотлари талаб даражасида фаолият олиб борган, деб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, партия Жиззах вилоят кенгашининг мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг асосий фаолияти партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, дастурий мақсад-вазифалар, электорат манфаатларини ҳокимият вакиллик органларида муносиб ифода этиш, ҳимоя қилишга қаратилиши лозим, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Баҳром Мамажонов. — Партия ташкилотларимизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш ва муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Бу ўз самарасини бермоқда. Партия вилоят кенгаши ҳам халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг ҳар ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик фаолиятини таҳлил қилиб бораётир. Бунда кўрсаткичлар ўзаро қиёсланиб, муҳокама қилиняпти. Натижада қайси партия гуруҳининг иш самарадорлиги қай даражада эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Партия гуруҳлари ташаббуси билан 48 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди, депутатлар 420 депутатлик сўровини амалга оширди.

Тошкент вилояти. Бугунги тезкор замонда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар борки, бу ҳар бир кишига, айниқса, депутатларга алоҳида масъулият юклайди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган масалаларда ёрдам беришда муайян ишларни амалга оширмоқда. Тегишли ташкилот ва корхона раҳбарларига депутатлик сўрови юбориб, аҳолидан тушган мурожаатларни ҳал қилишга интилаётир.

Айни пайтда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 78 депутат фаолият олиб бормоқда. Ўтган йилда ЎзМТДП гуруҳлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 492 депутатлик сўровини амалга оширди, уларнинг 324 таси ижобий ҳал этилди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 98 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 28 ташаббус-масала олиб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Электорат манфаатларига хизмат қиладиган, ҳудудлар учун долзарб аҳамиятга эга масалаларни ўрганиш, улар юзасидан сессияларга таклиф-ташаббусларни олиб чиқиш партия гуруҳларининг доимий эътиборида. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари айни пайтда ҳудудда туризмни ривожлантириш, қадимий қадамжоларни ўрганиш ва уларни янада обод қилиш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Масалан, ўтган йил давомида Оққўрғон туманидаги Шохруҳия ва Қанқа тарихий қадамжолари, Пискент туманидаги Қирққиз ва Бўғзиён ота зиёратгоҳларининг аҳволи ўрганилди. Мазкур масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясига киритилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сессиялар кун тартибига халқ депутатлари Бўстонлиқ ва Юқори Чирчиқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳи 2 тадан, Бекобод шаҳри, Бекобод, Оққўрғон, Пискент, Чиноз, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл туман Кенгашларидаги партия гуруҳи эса 1 тадан ташаббус-масала олиб чиққан. Ангрен ва Чирчиқ шаҳар, Бўка, Зангиота, Олмалиқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари йил давомида сессиялар кун тартибига бирорта ҳам масала олиб чиқмаган. Бугун партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколатлари жуда кенг. Бироқ бу имкониятлардан мазкур партия гуруҳлари самарали фойдаланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳар куни ўз ҳудудидаги сайловчилар билан мулоқотга киришади, фикр-мулоҳазаларидан хабардор бўлиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганади, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Депутат, ўз навбатида, ваколатларидан фойдаланиб, аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшадиган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш имконига эга. Фақат гап улардан самарали фойдаланишда, лоқайдликка берилмай, зиммасидаги масъулиятни унутмасликда.

ЎзМТДП Тошкент вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари 2018 йилда ҳам "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиб, фаолият юритишни мақсад қилган.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП — устувор вазифалар

МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШЛАР — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

ЎзМТДП ИШЧИ ГУРУҲИ АЙНИ ШУ МАҚСАДДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Халқаро аэропортда туристлар учун шароит қай даражада?

Хорижлик сайёҳларнинг юртимизга саёҳати кўп ҳолларда халқаро аэропортларимиздан бошланади. Хўш, у ерда сайёҳлар учун яратилган шарт-шароитлар қандай? Рўйхатга олиш ва расмийлаштириш ҳолатлари сифати ва тезкорлиги талаб даражасидами?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари "Наманган халқаро аэропорти" давлат унитар корхонасида бўлишди.

1942 йили ташкил топган, Наманган вилояти марказида жойлашган аэропортда йирик жамоа меҳнат қилаётир. Уч юздан зиёд ходимларнинг аксарияти ёш кадрлардан иборат. 2007 йилда халқаро аэропорт мақомини олган корхона бугунга келиб 40 дан зиёд давлатлар билан ҳаво йўли орқали ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. 2004-2007 йилларда амалга оширилган кенг кўламдаги капитал-реконструкция ҳамда ободонлаштириш ишлари натижасида вилоятнинг ҳаво дарвозаси кўркам ва файзли маскан қиёфасини касб этди.

— Наманган халқаро аэропортида учиш-қўниш йўлакларини таъмирлаш, терминаллар барпо қилиш, замонавий радионавигация воситалари ҳамда ёруғлик техникаси тизимларини сотиб олишга катта эътибор берилмоқда, — дейди корхона директорининг ер хизмати иншоотлари бўйича ўринбосари Аброрхон Қаҳҳоров. — Бунинг самараси ўлароқ, мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам ишлаш имконияти яратилди. Ҳар қандай вазиятда ҳам барча русумдаги ҳаво кемалари қабул қилинмоқда. Энг катта ютуқларимиздан бири — аэропортимизнинг "Дунё экоаэропортлари рўйхати"га киритилгани.

Яна бир янгилик — аэропортда божхона бўйича икки йўлак тизими, яъни "яшил" ва "қизил" йўлаклар жорий этилди. Ушбу янги тизим ишга тушиши билан фуқаролар, хусусан, туристларнинг рўйхатга олиш ишларига сарфланадиган вақти қисқаради, кўзлаган манзилларига ўз вақтида етиб бориши таъминланади.

Ўрганиш давомида ишчи гуруҳи аъзолари аэропортда туристлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Президентимизнинг кўрсатма ва тавсияларидан келиб чиққан ҳолда айни кунларда бу ерда мусулмонлар кўп истиқомат қилаётган мамлакатлардан келаётган сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида 20 ўринли эркаклар ва аёлларга мўжалланган 2 та намозгоҳ барпо этилмоқда.

Парвоз олдидан мароқли ҳордиқ чиқариш учун сайёҳларга мўлжалланган дам олиш хонаси, оналар ва болалар хонаси ташкил этилган. Кафе, тамаддихона каби умумий овқатланиш жойлари мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар учун 2 йўлакча бунёд қилинган. Тиббиёт хонаси ва дорихона зарур жиҳозлар, дори-дармон воситалари билан таъминланган. Йўловчиларни аэропорт ҳудудига олиб бориб қўйиш учун замонавий 5 автобус, юкларни ташишга 23 юк аравачаси ажратилган. Сайёҳлар ва меҳмонлар учун валюта айирбошлаш шохобчаси ташкил этилган.

— Мамлакатимизга ташриф буюрадиган меҳмонлар, биринчи навбатда, қадим тарихга эга ва бой маънавий меросимиз, моддий-маданий мерос объектлари, тарихий ёдгорликларга катта қизиқиш билдиради, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоев. — Наманган халқаро аэропортининг кутиш ва самолётга чиқиш залларида вилоятнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари шу заминдан етишиб чиққан буюк алломаларимиз суратлари акс этиши лозим, деган хулосага келдик. Аэропорт мутасаддилари бу масалани "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси раҳбарияти ҳамда реклама агентликлари билан ҳамкорликда ҳал этишини маълум қилди.

— Ўрганишлардан шундай хулосага келиш мумкинки, вилоятимизда ҳали туризмни тараққий эттириш борасида ишга солинмаган имкониятларимиз талай экан, — дейди халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Эркинжон Валихонов. — Шундан келиб чиқиб, аэропорт мутасаддиларига бу ерда ахборот-ресурс маркази, матбуот шохобчаси, Интернет тармоғи (Wi-Fi тизими) фаолиятини йўлга қўйиш, миллий маҳсулотларимизни туристларга кенг тарғиб этадиган сувинер дўкони ташкил этиш, бундан ташқари, вилоят тарихини ўзида акс эттирган хорижий тиллардаги видеоролик ва китоб жамланмаси, вилоят харитасини жойлаштириш ва сайёҳларга тарқатиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларимизни билдирдик.

Ҳошимжон ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилояти бўйича вакили:

— Ўрганишлар жараёнида аэропорт ҳудудидаги Ташқи иқтисодий фаолият "Миллий банки" Наманган вилояти филиалининг валюта айирбошлаш шохобчаси фаолияти талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Масалан, банк ходимлари белгиланган кийим-бошда эмас. Яна бир жиҳат улар хорижий тилларда сўзлаша олмайди.

Вилоятимиз ҳаво дарвозасининг ташқи томонидаги манзара ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Аэропорт биносининг ташқи қиёфасига "соя" солиб турган ҳудудда ландшафт дизайнига эътибор қаратилмаган, яъни ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Ҳудуддаги майсазор қаровсиз. Маълум бўлишича, аэропортнинг ташқи муҳофаза деворлари билан ўралган ҳудудига шаҳар ободонлаштириш бўлими масъул. Шундай экан, шаҳар ободонлаштириш бўлими мазкур масалага жиддий эътибор қаратиши зарур.

Театр — маънавият ўчоғи, тарбия маскани

Театр ҳамиша инсонни маърифатга, эзгуликка етакловчи, маънавий юксалишга хизмат қиладиган тарбия маскани бўлиб келган. Ҳар бир саҳна асари, хоҳ комедия ё трагедия бўлсин, томошабин бундан ўзи учун тегишли хулоса олган. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Театр — ибратхона", деган сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотгани йўқ.

Наманган вилояти мусиқали драма театри мамлакатимиз театрлари орасида нуфузли санъат даргоҳларидан саналади. Ўтган йили театр биноси жорий таъмирдан чиқарилиб, актёрлар хоналари янги мебеллар билан жиҳозланди. Театр жамоасининг "Аёл бўлиш осонми?", "Армон", "Ўлан" ҳамда "Қорбобонинг совғаси" саҳна асарлари томошабинлар эътиборига тушди. Жорий йилда давлат буюртмаси асосида бош режиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев раҳбарлигида А.Самаднинг "Соҳибқирон Амир Темур" тарихий драмасини саҳнага олиб чиқиш учун иш олиб борилмоқда. Томошабинлар эътиборига ҳавола этиладиган асарлар қаторида Э.Воҳидов асарлари, Ж.Маҳмуд инсценировкаси асосидаги "Матмуса" комедияси, "Ёрилтош" мусиқали эртак-спектакли, В.Шекспирнинг "Вероналик икки йигит" комедияси бор.

Ишчи гуруҳ театрдаги мавжуд ҳолат, томошабинлар учун яратилган шароитлар, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси масаласини ўрганди. Театр жамоаси ишчи гуруҳга қатор таклифларни билдирди.

— Халқимиз театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни кутмоқда, — дейди Наманган вилояти мусиқали драма театри директори Озода Усмонова. — Бундай асарларни саҳнага олиб чиқиш учун жамоамизнинг ижодий салоҳияти ҳам, театрдаги шароит ҳам етарли. Аммо бугунги кунда саҳнани ёритиш тизимини янгилаш, бинонинг фасадини таъмирлаш, транспорт воситалари сотиб олиш, мусиқа асбоблари билан таъминлаш зарурати мавжуд. Агар ана шундай шароитлар яратиб берилса, чекка ҳудудларда ҳам томошалар уюштириш имконига эга бўлардик. Шунингдек, фаолиятимизга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни бугунги замон талабларига мослаштириш зарур. Ҳозир ҳам собиқ иттифоқ даврида ҳужжатлардан фойдаланиб келаётганимиз, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги фаолиятимизнинг энг оғриқли томонларидан биридир.

Ишчи гуруҳ аъзолари ўрганилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига мурожаат қилиб, уларга ҳамкорликда ечим топишини билдирди.

Фазлиддин МУҲИДДИНОВ,
халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Муайян халқ ва давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси, аввало, унинг маданияти, санъати, адабиёти, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади. Шундай экан, ёш авлодни театрларга жалб этиш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан. Бугунги ўрганиш жараёнида вилоят мусиқали драма театри фаолияти самарадорлигида муҳим аҳамият касб этувчи қатор масалаларни белгилаб олдик. Жумладан, шаҳар ва туман марказларига театрнинг ҳозирги кундаги репертуаридан жой олган спектакллар акс этган рекламаларни ўрнатиш, истеъдодли ёш актёрларнинг ривожланган давлатларга малака оширишини таъминлаш, "замон қаҳрамони" образини яратиш мақсадида драматурглар, ёзувчилар ва сиёсий партиялар билан бевосита ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим.

Сессия қарори ҳамон ижро этилмаяпти

Ишчи гуруҳ аъзолари Учқўрғон туманида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги

қонун ижросини ўрганди. Тумандаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Тирик мозор" зиёратгоҳида бўлиб, қадамжода зиёратчилар учун шарт-шароит яратиш, ободонлаштириш борасида муайян масалалар борлиги аниқланди.

Зиёратгоҳ меъморий ёдгорлик сифатида рўйхатга олинган бўлса-да, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун талабларига асосан кадастрдан ўтказилмаган, чегара ҳудудлари белгиланмаган, муҳофазага олинмаган, зиёратгоҳга масъуллар расман тайинланмаган. Шу боис ҳозирги кунгача зиёратгоҳда ободонлаштириш, қурилиш ишларини олиб боришнинг имкони бўлмаган.

Ўрганишлар натижасида аниқланган мазкур масалалар юзасидан халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгаши депутати Илҳом Зулфиқоров қатор мутасадди идораларга депутатлик сўрови билан чиқди. Жумладан, Наманган вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Учқўрғон туман филиали ҳамда Учқўрғон туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига "Тирик мозор" зиёратгоҳининг кадастрдан ўтказилиши юзасидан, туман ҳокимига мазкур масканни ободонлаштириш ва туман меҳмонлари, зиёратчилар учун мақбул шароитлар яратишни таъминлаш масаласида депутатлик сўрови юборди.

Шунингдек, партия аъзоси Мавлуда Маматжонованинг партия Марказий кенгашига мурожаати асосида Чортоқ тиббиёт коллежида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ва ўқув масканида ташкил этилган музей билан танишилди.

Коллежда ўқувчи ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, маърифатини бойитиш йўлида амалий ишлар олиб борилмоқда. Эътиборлиси, коллежда Чортоқ тумани тарихи, қадимда туман аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи экспонатлардан иборат "Миллий қадриятлар" музейи ташкил этилган. Музей коллежнинг Маънавият хонасида жойлашган бўлиб, ундан 32 нусха тарихий қўлёзма китоблар, етмишга яқин миллий каштачилик намуналари, мингга яқин нумизматика ва қоғоз банкнотлар, 368 дона халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари жой олган.

Ишчи гуруҳи мазкур мўжаз ва бой тарихий экспонатларга эга музей учун туман марказидан алоҳида бино ажратиш ва Чортоқ тумани тарихий музейини ташкил этишга амалий кўмак беришга келишиб олди.

Ишчи гуруҳ Поп туманидаги археология музейида ҳам бўлди. Қарийб 10 йилдан буён фаолияти тўхтаб қолган музей ҳолати ачинарли аҳволда: бино яроқсиз ҳолатда, ертўлани мунтазам сув босади. Ваҳоланки, музейда V-VII асрларга тааллуқли 6 минг 162 экспонат мавжуд.

Ўрни келганда айтиш жоиз, 2015 йил июнда ЎзМТДП гуруҳи халқ депутатлари Поп туман Кенгаши сессиясига "Туманда маданий мерос объектларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани киритган эди. Сессия қарорида тумандаги мавжуд 50 моддий маданий мерос объектини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш, уларнинг чегара ҳудудларини белгилаш, муҳофазага олиш чоралари белгиланди. Шу билан бирга, сессия қарорида тумандаги Археология музейини халқаро стандартлар, замонавий архитектура талабларига мос реконструкция қилиш вазифаси туман ҳокимлиги, маданият, архитектура ва қурилиш бўлимларига топширилган.

Сессия қарори ижроси ҳарчи партия гуруҳи томонидан назорат қилинган бўлса-да, лекин мутасадди идоралар қарор ижросини тўлиқ таъминламаган. 2015 йил ноябрь ойида музейнинг фақат том қисми реконструкция қилинди холос. Шундан кейин яна таъмирлаш ишлари тўхтаб қолган.

Ишчи гуруҳ бу масалага ҳам ЎзМТДП Марказий кенгаши, партия фракцияси ҳамда Маданият вазирлиги ҳамкорлигида ечим топишини билдирди.

Ғайратжон ТЎЙЧИБОЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Поп туманидаги музей аҳволи ҳамон ачинарли ҳолатда экани дилимизни хира қилди. Чунки маданий мерос объектларини сақлаш бевосита ЎзМТДПнинг муҳим вазифаси. Демак, тумандаги партия ташкилоти бу борада сессия қарори бўлишига қарамасдан қатъийлик кўрсатмаган, сусткашликка йўл қўйган. Бундан ташқари 2016 йил 22 январда қабул қилинган Наманган вилояти ҳокимлигининг туризмни ривожлантиришга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида Поп туман Археология музейини таъмирлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 200 миллион сўм маблағ ажратиб, капитал таъмирланиши режалаштирилган эди. Аммо ушбу вазифа ҳам амалда ўз ифодасини топмади. Музей эшигида ҳали ҳануз катта қулф осилиб турибди. Унинг ичидаги бой тарих ва туман ўтмиши аҳоли учун беркличича қолмоқда. Бугунги ўрганиш натижаси вилоятимиздаги шу каби масалалар ечимига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Очиқ мулоқот

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу боис ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган тизим уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, муаммоларини ўрганиш ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётир. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

УЮШМАГАН ЁШЛАР МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг "Ёшлар қаноти" самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, вилоятда олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ташкил қилинган 44 ўқув курсида шу пайтга қадар 376 нафар ёшлар қўшимча бепул таълим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш имконига эга бўлди. Шунингдек, "Ёшлар қаноти" фаоллари "Уйма-ўй" лойиҳаси доирасида 100 дан ортиқ хонадонда бўлиб, уюшмаган ёшлар билан мулоқотларда уларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганиб, аксариятига ечим топди.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрининг Юксалиш маҳалласида ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Очиқ мулоқот давомида ёшларнинг мурожаатлари, муаммолари ўрганилди.

Самарқанд шаҳри Юксалиш маҳалласида яшовчи Нигина Салоҳиддинова турмушидан ажрашган. Қарамоғида вояга етмаган 2 фарзанди бор. Айни пайтда акасининг уйида яшаб келмоқда. Фуқаро оилавий шароити оғирлиги, катта фарзанди ногиронлиги сабаб ишлаш учун имконияти йўқлигини айтиб, алоҳида уй-жой олишда амалий кўмак сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаатга кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат Зебинисо Шодиева ҳуқуқий маслаҳат бериб, бу масаланинг ижобий ечим топишида ёрдам кўрсатишини айтди.

— Бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли ёт ғоялардан асраш мақсадида уларни фойдали машғулотларга жалб этиш, жумладан, спорт билан шуғулланиши учун имкон яратиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Майсазор маҳалласида яшовчи фуқаро Жаҳонгир Юнусов. — Масалан, маҳаллимиз ҳудудидаги 49-умумтаълим мактабининг спорт залидан унумли фойдаланиш мумкин. Аммо мактаб залида спорт анжомлари етишмайди, иситиш тизими яроқсиз аҳволга келиб қолган. Ушбу муаммолар юзасидан амалий ёрдам беришларини сўраб ЎзМТДП вилоят кенгаши вакилларига мурожаат қилдим. Улар бу масалани мутасадди ташкилотлар билан бирга ўрганиб, ижобий ечим топишга кўмаклашадиган бўлди.

Самарқанд шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежи 1-босқич ўқувчиси Аъзам Ашуров "Ёшлар парламенти"га аъзо бўлиш истагини билдирди. Мурожаатга кўра, аъзоликка қабул қилиш 18 ёшдан бошланиши, унинг ёши ҳали 18 ёшга етмаганлиги сабабли иложи йўқлиги, лекин мазкур парламентнинг бирор аъзосига ёрдамчи қилиб тайинлаш мумкинлиги ҳақида тушунча берилди.

— Болалигимдан ўзбек жанг санъатига қизиқаман, — дейди Ватанпарвар маҳалласида яшовчи Жасур Юнусов. — Бироқ мазкур спорт тури билан шуғулланишга имконим йўқ эди. Чунки оиламизда ҳамма иш билан банд — мени назорат қиладиган одам йўқлиги туфайли отам уйимиздан анча йироқда фаолият юритаётган "Ўзбек жанг санъати" спорт марказига жўнатмади. Бугун очиқ мулоқотда бизнинг маҳаллада ҳам "Ўзбек жанг санъати" мактабининг тўгарагини ташкил этишларини сўрадим. Ушбу мурожаатим ўрганиб чиқилиб, амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Очиқ мулоқотда уюшмаган ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш ҳамда ишга жойлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу масалада Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази амалий ёрдам бериши айтилди. Мурожаатларнинг аксарият қисми жойида ечим топди, қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан депутатлик сўрови юборишга келишиб олинди.

Ғайрат САТТОРОВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

MILLIY TIKLANISH
5 (489) 2018 йил 31 январь, чоршанба

“ШЕЪР — ДАРД, ДАРД — СИЁСАТ”

ЁХУД ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ, ПУБЛИЦИСТ ВА ПАРТИЯ ФАХРИЙСИ ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ФОРМУЛАСИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда “Миллий тикланиш” газетаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Ўзлик ҳақида суҳбат”ларни мана шу эзгу мақсад йўлидаги қадам, дейиш мумкин. Лойиҳанинг бу галги меҳмони таниқли ёзувчи, публицист, партия фахрийси **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД** бўлди. Асарларида ҳиссиёт ва тафаккур бир-бирини тўлдириб, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат уйғунлиги акс этиб турувчи ижодкор билан суҳбатни “Миллий тикланиш” газетаси бош муҳаррири ўринбосари **Исмат ХУДОЁРОВ** олиб борди.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Аввало, таклифимизга розилик билдириб, партиямиз фаоллари билан ўзлик ҳақида суҳбатлашиш, унинг теран маъносини англашда ўз тажрибангиз билан ўртоқлашишга розилик билдирганингиз учун ташаккур...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча саъй-ҳаракатларини кўриб, кузатиб турибмиз. Амалга оширилаётган ҳар бир катта-кичик ишнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Жумладан, “Ўзлик ҳақида суҳбат” лойиҳаси замирида ҳам катта маъно ва мақсад мужассам. Ўзлик ниҳоятда кенг тушунча: глобал масалаларнинг барчаси ўзлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Бугун глобаллашув шиддати авж олаётган XXI асрда “Миллий тикланиш” демократик партияси бу тушунчани кун тартибига қўйишининг ўзи ҳам унинг бошқа сиёсий партиялардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб турибди.

Мен талабалик кезларимдан ўзлик, шахс “мен”и, психологияси, фалсафасини ўрганишга қизиққанман. Буни қарангки, орадан шунча йил ўтиб, бугун ўзликни англаш катта бир сиёсий дастурга айланди. Мана шу ғояни шиор қилиб, исталган баҳс майдонида курашиш мумкин. “Энг бахтли одам — ўйлаганидек гапирадиган, гапирганидек ўйлайдиган одамдир”, деган эди файласуфлардан бири. ЎзМТДП фаоллари билан бугунги суҳбатимизнинг мавзуси ҳам айнан шунга бағишлангани эътиборга молик.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси дунё жамоатчилигининг ҳам эътиборини тортди. Халқимиз уни нафақат парламентга, балки юртимизнинг ҳар бир фуқаросига бўлган мурожаат сифатида қабул қилди. Ушбу Мурожаатномадан сўнг кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Президентимиз Шавкат Мирзиёев Парламентга мурожаати воситасида бугунги энг муҳим масалаларни тилга олди, кўплаб долзарб ташаббус ва таклифларни билдирди. Давлат раҳбарининг парламент аъзоларига мурожаати дунёда кенг қўлланилаётган тажриба. Бироқ бизда у илк марта амалга киритилди. Президентимиз дунё тажрибасининг бу муҳим шаклини Ўзбекистондаги сиёсий муомалага дадил киритди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 24 ноябрда Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашувда 4 соат маъруза қилганида мамлакатимизда тилга олинмаган масала, айтилмаган гап қолмади, деган эдим. Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллик тантанасидаги концептуал маърузадан кейин зиёли инсон сифатида парламентга Мурожаатномада қандай гап айтилар экан, ҳамма гап айтиб бўлинди-ку, деб ўйладим. Аммо Мурожаатномани тинглаб янглишганимни сездим ва қайта-қайта иқрор бўлдим.

Президентнинг парламентга мурожаати ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Шавкат Мирзёевнинг 4-5 дақиқалик интервьюсидан тортиб, ҳар бир чиқиши, концептуал маърузаларини тарихий воқеа, деб айтиш мумкин. 2017 йилнинг аҳамияти 1991 йилнинг аҳамиятидан кам бўлмади. Биринчи Президентимиз даврида мамлакатимиз биринчи уйғониш палласини бошдан кечирди. Бу давр 25 йил давом этди. Бу йиллардан фарқли ўлароқ, 2017 йилга тарихчилар, файласуфлар, жамиятшунос, шахсшунос ва сиёсатдонлар нуқтаи назаридан фавқулодда ўзгача баҳо берилиши шубҳасиз.

Шахс, жамият ва давлат бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар. Юлдузлар қутб юлдузи атрофида айлангани каби ҳозирги даврнинг ҳамма муаммоси мана шу тушунчалар атрофида айланади. Мурожаатномани эшитиб, қайта-қайта ўқиб, ҳар сафар қатор саволларни ўз олдимга кўндаланг қўяман. 1917 йилдан буён орадан юз йил ўтди. Халқ қайси давр ва шароит бўлмасин эртанги куни яхши бўлишини кутади ва ишонади. Энг муҳими, ҳаммамизда бугунги кунга ишонч бўлиши керак.

Шуларни мушоҳада қилар эканман, Қозоғистонда юртдошларимиз билан содир бўлган фожеа юрагимни ларзага солганини айтмаслик мумкин эмас. “Дунёнинг нариги чеккасида бир бола, бир аёлнинг кўзида ёш бўлса, мен айбдорман”, деган эди Достоевский.

Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада қатор масалаларни қуйинниб тилга олганда, мана шундай фожеаларнинг бўлмаслигини хоҳлаган эди. Мамлакатни беш қўлдек биладиган инсоннинг “бошқача яшашимиз керак” деб жонкуярлик билан айтган мурожаати эди бу. Бу инсоннинг шунчаки тил учида эмас, балки халқ дардини ўз дарди деб билганидан, жайдари ибора билан айтганда, муаммо борми, ҳал қилиш керак, деган прагматик бир мантиқдан келиб чиқиб гапириши бизни, ҳар биримизни яна сергакликка, 2017 йил бошлаган ишларимизни дадил давом эттиришга ундайди.

Мурожаатномани тинглаб, менда оддий бир фуқаро сифатида бир қанча савол пайдо бўлди.

Биринчидан, мамлакатда аҳвол шу даражага келган экан, биз қаерга қарадик? Нега бу муаммоларни шу пайтгача ҳеч ким гапирмади? Гапирган бўлсак ҳам чойхонада, кўча-кўйда гапирдик, на бирор сиёсий партия, на бир зиёли, на сиёсатчи бу муаммоларни минбарга олиб чиқа олмади. Иккинчидан, агар Президент Мурожаатномада тилга олган масалаларнинг ярмини айтиб, ярмини айтмаганида яна тилимизни тишлаб юрармидик? Учинчи савол: давлат раҳбари шунча масалани кўтарди, хўш, бошқа муаммолар йўқми? Агар биз ўша муаммоларни топиб, дадил айта олсак, бу давлат ривожига кўмак бўлмайдими? Президентимиз “дардингиз ичингизда қолмасин, нима муаммо бўлса айтинг”, деб портал очиб қўйди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида мана шундай муҳит яратиш мақсад қилинган эди.

Демак, Мурожаатномадан хулоса жуда чуқур. Уни фавқулодда воқеа, оламшумул ҳодиса, қарашларни, Ўзбекистонга муносабатни ўзгартирган воқелик, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари тилга олган масалалар, муаммолардан тўғри хулоса қилиб, бир ёқадан бош чиқарсак, юртимиз учун қилинаётган эзгу мақсадларни амалга оширишга ёрдам берган бўламиз.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Давлатимиз раҳбари жамиятда “Ишонч муҳитини яратиш керак”, деб кўп таъкидлайди. Сиз ҳам бир суҳбатингизда инсонларда ўзаро ишонч бўлмаса, жамиятни ривожлантириб бўлмайди, деган эдингиз...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Ишонч — гўзал ва инсон учун зарур туйғу. Бу ҳақда Фрэнсис Фукуяманинг 700 саҳифали “Ишонч” номли асарини ўқиб, изтиробга тушганман. Хўш, бизнинг халқимизда ишонч туйғуси қандай, бу туйғу шахс, жамият, давлат миқёсида қандай шаклланган? Фукуяма айтадики, пойдевор бўлмаса, бино қуриб бўлмайди. Бинони мустаҳкам қилиб турган нарса — пойдевор. Жамият ҳам бир иморат. Уни мустаҳкамлайдиган омил — ишонч. Оддий бир мисол: эр хотинга, бола онага, бемор шифокорга, ходим раҳбарга, раҳбар ўринбосарига ишонмаса, бу қандай жамият бўлади? Бугун жамиятда ишончсизлик туйғусига барҳам бериш учун ташкилотлардаги қоғозбозлик, ҳисоботбозликни четга суриб, аниқ ишларга ўтиш вақти келди.

Яқинда “Бекажон” газетасида бир суҳбат чоп этилди. Муҳбирнинг Америкада тадбиркорлик билан шуғулланаётган ўзбек йигити билан суҳбатида айтилишича, бу йигит 2010 йилдан буён уч фирмани бошқарар экан. Солиғини тўлагани, ҳужжатлари жойида бўлгани боис 8 йилдан бери бирорта текширув келмаган. Мана шу мисолнинг ўзи ҳам ишончнинг яққол ифодаси. Президентимиз тадбиркорлар фаолиятини ортиқча текширувлардан халос этиши замирида ҳам мана шу туйғуни мустаҳкамлаш мақсади бор, аслида.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Бугунги кун олдимизга қўяётган вазифалар миллий бирлашиш, жипслашишни тақозо қилаётгандек. Башарият тарихи тажрибасида ўтиш ёхуд янгиланиш жараёнида бу жуда ҳам зарур. Айниқса, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишда бирдамлик, бир ёқадан бош чиқариш кутилган самарани беради. Шу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Бирлашиш — жуда муҳим масала. Кичик оила ҳам бирлашмаса, оила бўлмайди. Ҳаётий мисол: 6 киши жам бўлмаса, баскетбол ўйнаб бўлмайди. Жамоа аҳил бўлмаса, қўйган қадамидан бир-бирини англаб ололмаса, тўрга копток ташлай олмайди. Биз суҳбатимизда 32 миллиондан зиёд халқ ҳақида гапиряпмиз. Бирлик, жипсликни таъминлаш юқорида тилга олган ишонч туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Ўтиш даври ҳақида айтдингиз. Бу давр ижодкор учун яхши, долзарб мавзуларни беради. Аммо бу оддий халқ учун мураккаброқ кечади. Чунки инсон умри ўткинчи, вақтни ҳеч ким ушлаб қололмайди. Ўтиш даври тушунчасини сиёсатчилар ўйлаб топган. Аслида халқ бир маромдаги, сокин ҳаётни яхши кўради, хотиржам бўлишни хоҳлайди. Ўтиш даври ўз йўлига. Ҳаётни бир маромга қўйиш, тўғри йўлга солиш ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун эса бирлашиш керак.

Бирлашиш эса миллий туйғулар билан боғлиқ жараён. Афсуски, миллий туйғуларимиз ҳозир наҳорда элга бериладиган ош, никоҳ дабдабалари-ю, ҳавойи орзу-ҳаваслар даражасида. Беҳбудий, Мунаввар қори каби маърифатпарварларимиз “бу халқ қачон бирлашади?”, деб фарёд чекиб ўтди. Дунё аэроплан учираётган бир пайтда биз варрак учираётганимиздан, одамлар осмонга чиқаётган пайтда биз “ланка” ўйнаётганимиздан куюниб ўтди. Миллат бирлашиши учун мана шундай жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш керак. Тўхтамаслик, ривожланиш сари интилиш керак. Наҳорги ошлару, дабдабали тўйларни бартараф этиб, юртдошларимиз қалбига “бошқача яшаш”ни сингдириш эса “Миллий тикланиш” демократик партиясининг вазифаси.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Сиз раҳбарлик қилган “Миллий тикланиш” билан ҳозирги “Миллий тикланиш” демократик партияси ўртасида, албатта, ўхшашлик мавжуд, лекин тафовут нимада кўринади, деб ўйлайсиз?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Сиёсий партия — давр “фарзанди”. Биз фаолият юритган давр мутлақо бошқача эди. Умумий қарашлар бир хил бўлгани билан кечаги ва бугунги сиёсий партияларни ўзаро таққослаш қийин. Масалан, ўша пайтдаги “Миллий тикланиш” партиясининг иқтисодий имкониятлари билан ҳозиргисини мутлақо қиёслаб бўлмайди. Қолаверса, жамиятдаги эркинлик даражаси ҳам ҳаминқадар, рақобатга чиқиб бўлмасди. Ўрганишларга чиққанимизда ҳудудларда жуда кўп муаммоларга дуч келардик, аммо уларнинг бирини айтсак, бирини айта олмасдик. У пайтларда сиёсий партияларнинг вазифаси бироз бошқачароқ эди. Сиёсий партия ўз асл вазифасини энди амалга оширмоқда.

Бўлиб ўтган қатор сайловлар, сиёсий жараёнлар партиянинг ҳар жиҳатдан тобланиши, тажриба тўплаши, сиёсий майдонда ўз позициясини аниқ белгилаб олиши учун замин яратди. Гап берилган ваколат ва имкониятдан тўғри фойдалана олишда. Парламент ва депутатлик назорати институтларидан самарали фойдаланиш, одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларга ўзига хос тарзда ечим топиш бугунги сиёсий партиянинг дастуриламали бўлиши лозим.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Ўзлигини англаган шахслар бир-бирини тўлдиради. Шундай эмасми?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Ўзликни англаш — интеллектуал ҳодиса. Ўқимаган одам ўзлигини ҳам англолмайди. Достоевскийнинг “Хилватдан мактублар” асари қаҳрамони “Мен ўтакетган танбалман, ялқовман. Ялқовлигим билан фахрланаман”, дейди. Кимдир безорилиги билан ўзлигини топади. Бироқ, интеллектуал ҳодиса — ўқиш, ўрганиш, китобхонлик орқали ўзликни англаш тамомила бошқа масала...

Исмат ХУДОЁРОВ: — Демак, китоб мутолааси, китобхонлик ҳам инсон ўзлигини англашининг муҳим омили экан-да? Бугунги чоп этилаётган китоблар савияси, улар қай даражада китобхонлар эҳтиёжини қондираётгани, қандай китоб ўқиш кераклиги ва бугунги китобхон образи ҳақида нима дея оласиз?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Интеллектни китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун дўконларимиз, нашриётлар ва кутубхоналаримизда исталган дид, савияга мос китоблар бор. Улар орасидан танлаб, топиб, ўқиб, уқиб, уққанини амалда татбиқ этиш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Инсон ҳаёти ўрганишдан иборат. Одам туғилганидан то умрининг сўнгги лаҳзасигача бирон дақиқа бўлсин, ўрганишдан тўхтамайди. Бу жараён гоҳ ихтиёрий, гоҳ ихтиёрсиз суръатда давом этади. Шу мақсад, шу ниятда у ўзидаги бор имкониятни сафарбар этади: кўзи, қулоғи, фаҳм-фаросати, илми-билими, хотираси, заковати, истеъдоди, эпчиллиги, уддабуронлиги, бойлиги... яна аллақанча “воситалари” ҳам ялписига унинг ўрганиши йўлида тиним билмай хизмат қилади. Етти қават самога парвоз қилишидан, етти қават замин қаърига тушишидан, баҳри муҳитнинг туб-тубини ўз кўзи билан кўрмагунича тиниб-тинчимасликдан кўзлаган муроди ҳам битта — ўрганиш!

Одам қанча иши, юмуши кўп бўлса, шунча кўп имконият, куч-қувват топаркан. Шахсан ўзим бўш ўтиришни тасаввур қилолмайман. Ёзиш учун алоҳида шоҳона шарт-шароит, кайфият, махсус тайёргарлик талаб қилмайман — ёзавераман.

Ёшларимиз орасида вақтни беҳуда совуриш касаллиги менга жуда оғир ботади. “Ҳа-а, бекорчилик, юрибма-ан...”, деган оҳангдаги гапни эшитсам, фиғоним фалакка чиқиб кетади. Ҳой, оғайни, ҳозир бекор юрадиган пайтми! Ишла, бошингни кўтармай, тунлари уйқунг келмай ишла, ўқи!..

Ўқиганда ҳам фақат бир жойда қотиб қолмаслик керак. Дунё билан бўйлашиб кўриш, атрофга бошқача назар билан қараш лозим. 1906 йилда Беҳбудий “География” асарини ёзди. У “Географияни билмагунча дунёни танимайсиз, дунёни танимагунча илмли бўлмайсиз”, деган эди. Дунё эса жуда кенг, уни англаш учун эса тинимсиз ўқиш-ўрганиш керак.

Исмат ХУДОЁРОВ: — Хуршид ака, анъанавий адабиёт вакиллари билан “модерн”чилар ўртасида анчадан буён баҳс-мунозара юради. Бири “модерн”ни инкор этса, иккинчиси ҳимоя қилиш билан овворадек. Миллий адабиёт наҳотки тажрибаларни, изланишларни инкор этса?! Бунда у ўз қобиғига ўралашиб қолмайдими?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — XX аср ўзбек адабиёти ўз даврининг бадиий тафаккури сифатида тарихда қолади. Улкан адабий мактаб яратилди. Адабиёт қандай бўлиши керак ва қандай бўлмаслиги керак, деган саволга истаганча жавоб бера оладиган академияга айланди...

Дунёни бадиий идрок этишнинг чеки-чегараси йўқ. Замонавий бадиий тафаккур анча илгарилаб кетди. Ҳозирги жаҳон адабий жараёни ҳали биз кўриб, биз эшитмаган, биз “топиб” кўрмаган усулларни қўлламоқда, инсонни ўрганмоқда! Инсон бор экан, имкониятлар тугамайди, унинг адоғига етиш амримаҳол.

Адабиёт бўлмаса инсоният қандай яшар эди, деб сўрашади. Дунёни бадиий идрок этиш тўхтаса, дунё ғоятда ғариблашиб қолади. Бунинг иложи йўқ. Бадиий тафаккур бошқача фикрлаш, дунёни бошқача англаш, дегани. Миллий адабиётимиз, миллий бадиий тафаккуримиз охирига етиб бўлмайдиган даражада чуқур, теран ва мураккаб. Лекин тафаккурни янада бойитиш, ҳаётга янада бошқача қарашни хоҳлаймиз. Кафканинг бир гапи бор: “Маҳаллий адибларга таклид қилишдан нарига ўта олмайдиган адабиёт — оянчли адабиёт”.

Мен ҳеч қачон тарафкашлик қилмайман. Хоҳласангиз Муқимийни ўқинг, хоҳласангиз Махтумқулини мутолаа қилинг. Бу борада ҳамманинг ўз фикри бор. Ўзимни модерн ёзувчи ҳам дея олмайман. Шунчаки бошқача фикрлайдиган, ёндашадиган, бошқача талқин қиладиган қаламкашман, дейман. Кўнгилнинг аллақаерида йилт этиб туғилган ғоя учқуни баъзан шиддат билан, баъзан эса ойлар-йиллар мобайнида пишиб етила боради.

Мен кўпроқ шакл излайман, синовлардан ўтган ва тайёр шакллардан имкон қадар фойдаланмайман. Қўшиқнинг муваффақиятини сўз, оҳанг ва ижро уйғунлиги таъминлагани сингари насрий асарда ғоя, баён йўсини ва сюжет шакли уйғунлиги зарур, деб ўйлайман. Шулар топилса, ер юзида янги қитъа кашф этган одамдек дўппини осмонга ирғитасиз, сиздан шодон одам бўлмайди дунёда!..

Исмат ХУДОЁРОВ: — Сўнгги йиллардаги ижодингизни кузатиб, уларнинг бугунги кун руҳи, миллийлик билан тўйинганини ҳис қиламиз. “Қичқириқ” номли ҳикоянгиз ўқувчида гўёки халқимизнинг ўзлигини англашга бўлган ҳайқириқ, чақирув ёки даъватдек таассурот уйғотади...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — “Қичқириқ”нинг қаҳрамони Султон образининг яратилиши давр тақозоси билан боғлиқ. Агар ҳикоя бу ҳақда, яъни ўзликни англашга чақириқ бўлмаганида ҳам унга “Қичқириқ” деб ном берилишининг ўзи халқни уйғоқликка чақирарди, дейишган эди ҳикояни таҳлил қилган адабиётшунослар. Сувга ғарқ бўлган қирқ кунлик келинчакни қутқариш учун пайдо бўлган инсон, унинг домига тушганни ғарқ қилувчи дарё шиддатидан омон қолиши, сув остидаги майда, кўз илғамас чиқиндилару, сув ўтлари — жамиятдаги иллатларни кўрсатиш ва уларни бартараф этишда қаҳрамонларни уйғоқликка чақиришдир.

Исмат ХУДОЁРОВ: — “Умид гули” ҳикоянгиз қаҳрамони “шеър — дард, дард — сиёсат”, деган эди. У бугун ҳам шундай фикрдами?

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Ҳар бир ижодкор ўз ҳаётий ва хаёлий кечинмаларини қаламга олади. Ўз қарашларини образлар воситасида ифода этади. Мен ҳам ушбу ҳикояда ўз қарашларимни қаҳрамоним тилидан билдирганман. Шеърнинг дард, дарднинг эса сиёсат эканини ифода қилиш учун бадиий тафаккурнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида суҳбатлашишга тўғри келади. Аслида она алласи ҳам сиёсат. Онанинг сокин туйғулари, орзу армонлари унинг тилидан ифода этилган сиёсат бу.

Жамиятдаги ўзгаришлар, инсон онг остидаги ўзи англаб етмаган туйғуларни англатувчи дард, омиллардан бири — мусиқа. Мусиқа — илоҳий мўъжиза. Ижтимоий дарднинг кўринишлари рассомларда, шоирларда пайдо бўлади. Жамиятда кўз очаётган интилишларнинг импульслари мана шу дард орқали намоён бўлади...

Исмат ХУДОЁРОВ: — Шу кунларда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 80 йиллиги нишонланмоқда. Суҳбатимиз давомида у киши билан кўп ҳамсуҳбат бўлган инсон сифатида хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Дарҳақиқат, бугун бу беназир инсонни эслайдиган вақтимиз. Ўзбекистон минг йил яшаса, минг йил ҳам унинг номи Ислом Каримовнинг номи билан бирга тилга олинади. Шу ўринда бир ҳолатни айтмасликнинг иложи йўқ. Эътибор беринг: 1917 йилдан бери қайси раҳбар ўтса, унинг “гўрига ғишт қалаймиз”. Президентимиз Шавкат Мирзиёев эса ўзидан олдин ўтган раҳбарларнинг ортидан тош отмади, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилган фидойи инсонлар, хусусан, Ислом Каримовга ўзгача эҳтиром кўрсатмоқда. Буни халқ кўриб, билиб турибди. Шунинг ўзи бугунги кун ва олиб борилаётган ислоҳотларни бошқача тафаккур қилишга ўргатади.

Ҳар бир инсон ўз даври ва имкониятларининг эгаси. Шу даврда ишлайди, фаолият юритади. Ислом Каримовнинг бошидан ўтказган азоблар, ташвишларни айтиб адоғига етиб бўлмайди. Биз уларнинг кўпини билмаймиз ҳам. У давлат раҳбари сифатида мустақилликнинг 25 йили давомида ҳар куни ўйлади, ҳар куни бир янгиликни амалга оширди. Умумлаштириб айтганда, Ислом Каримов буюк инсон, мураккаб шахс эди. Учрашув ва мажлисларда ҳамма унинг гапларини ёзиб ўтирса, мен у кишининг кўзларига қараб ўтирардим. Шунақа фикрлаётган одамнинг кўзлари қанақа бўлар экан, деб унинг кўзлари орқали кўнглига разм солгим келарди. Мамлакатни оёққа қўйиб, тизим яратиб, тизимларни ишга солишга ҳаракат қилиб, ҳалқаро миқёсда ўзбекнинг номини кўрсатиш борасида жуда катта ишларни амалга оширди.

Кечагидек ёдимда: Амир Темурнинг Самарқанд ва Шаҳрисабзга қўйиладиган ҳайкали тайёр бўлганида унинг муҳокамасида иштирок этганмиз. 15 кишидан иборат таҳлилчилар бу ҳайкални узоқ мақташди. Шу орада мен ҳайкалнинг биттагина нуқсонини айтдим, холос. Ислом Каримов эса чамаси бир соат давомида фақат унинг камчиликларини санаб ўтди. Соҳибқирон ҳайкалидаги тождан бошлаб, пойигача танқид қилди. Ва ҳаммаси асосли эди. Бу одам ҳайкалтарошми, санъатшуносми, рассомми, дея ҳайрон қолдик. “Амир Темур ҳайкалини деҳқон қилиб қўйибсизлар-ку, от минганмисизлар ўзи, минмаганга ўхшайсизлар. От минган инсон қаддини тик тутиб ўтиради. Бизга Темурнинг мағрур ўтириши керак. Кўрганлар ўзбек халқи мана шундай аждодларнинг фарзанди экан, десин. Унинг юзидаги ажинлари ҳақида ҳам яна бир бор ўйлаб кўринглар”, деган эди йиғилганларга. Мана шу таҳлилнинг ўзи ҳам унинг қандай фавқулодда инсон эканини англатади...

Хуршид Дўстмуҳаммад билан “Ўзлик ҳақидаги суҳбат”имиз узоқ давом этди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг тамал тоши қўйилишидан бошлаб, то бугунги кундаги фаолияти, фуқароларни ўз атрофида бирлаштириши учун керак бўладиган тажриба синовидан ўтган ғоялар, бадиий ижод, китобхонлик, маънавият ҳақидаги теран хулосалар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Бир сўз билан айтганда, бу самимий ва очиқ суҳбат Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ўзликни англаш формуласи”ни топишга йўл очди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Музейга саёхат

БОЙ ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Музейлар — халқимизнинг тарихий, маданий, илмий мероси, маънавий қадриятлари, юртимизнинг ўзига хос тараққиёт босқичлари, ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос кўзгудир.



Бугун мамлакатимизда 350 дан зиёд музей, уй-музей ва кўргазма муассасалари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комлекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори улар фаолиятини йўлга қўйишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда айрим музей биноларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш каби вазифалар манзилли дастурларга киритилган. Пировард мақсад — музейларимиз нуфузини ошириш, уларга ташриф буюрувчиларни қўпайтиришдан иборат.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи Марказий Осиёдаги йирик илмий-маърифий муассаса ҳисобланади. Музейда халқимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти ва маънавияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи 300 мингга яқин археологик, этнографик, нумизматик экспонатлар, нодир буюмлар, бадиий асарлар, фотосуратлар, ҳужжатлар ва бошқа тарихий ашёлар сақланмоқда. Кўплаб ноёб осори-атиқалар халқимизнинг энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихи ҳақида сўзлайди. Жумладан, биринчи қаватдаги экспозиция тош асридан (милоддан аввалги 1,5 миллион йил) то XIX асрнинг дастлабки йилларини қамраб олган. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги археологик мажмуалар, шаҳристонлар, қадимий ёдгорликлардан топилган нодир ашёлар, металл ва сопол буюмлар, либос ва зийнатлар, деворий безаклар, уй-рўзғор анжомлари, меҳнат қуроллари, тарихий материаллар муайян даврга оид манзараларни, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тарихи, этнографик хусусиятларини кўз ўнгимизда яққол тасвирлайди.

Айниқса, Сўлунғур (милоддан аввалги 1,5 миллион йил), Тешиктош ва Обирахмат ғорларидан топилган қадимги одам қолдиқлари, Фарғона водийсидан топилган икки бошли илон шаклидаги тош тумор (милоддан аввалги II минг йиллик), Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепадан топилган будда ибодатхонаси ёдгорликлари, Варахша саройининг деворий суратларидан лавҳалар халқимизнинг қадим илдизларга эга эканини ифодалайди.

Милоддан аввалги V асрдан милодий XIX асргача бўлган даврни қамраб олган нумизматика фонди тўплами ҳам ғоят ранг-баранг. Бу ерда Юнон-Бақтрия, Кушон, Хоразм, Сўғд ва Чочда зарб қилинган тангалар билан бирга Ахамонийлар, Тоҳирийлар, Қорахонийлар, Темурийлар сулолалари томонидан зарб қилинган пул бирликларини учратиш мумкин. Бу диёримизда савдо-иқтисодий муносабатлар илдизи жуда қадим даврларга бориб тақалишидан дарак беради.

Қадимий қўлёзма китоблар, нодир нашрлар бу табаррук заминда илм-фан, адабиёт, санъат гуллаб-яшнаганидан ҳикоя қилса, нақшинкор ўйма устунлар, меъморлик ашёлари, безакдор бош кийимлари, либослар, турли зийнатлар миллий анъана ва қадриятларимиз, юртимиздаги ҳунармандлик мактабларининг чуқур ва мустаҳкам асосга таянишидан далолат.

...Музейга ҳар йили минглаб юртдошларимиз ва меҳмонлар ташриф буюради, улар учун экскурсиялар, маъруза ва тадбирлар уюштирилади.

— Очиғини айтсам, тарихимиз бу қадар бой ва ранг-баранг эканини тасаввур қилмаган эдим, тарихни билмаган одам бугунги кунга ҳам ҳаққоний баҳо беролмаслигини тушуниб етдим, — дейди Сардорбек Маҳкамов. — Музей экспозицияси хронологик, яъни воқеалар кетма-кетлиги тарзида яратилган. Экспонатлар сони жуда кўп ва хилма-хил, мени ҳайрон қолдирди. Бу ерда ўтган вақтим жуда фойдали бўлди: кўплаб янги маълумотлар олдим, билганларимни қўшимча маълумотлар билан тўлдирдим. Энди ўзим билан бирга яқинларим, дўстларим, оила аъзоларимни ҳам бу ерга олиб келаман...

Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги ушбу маскан ўз фаолият йўналишига кўра илмий-тадқиқот институти, тарихий-маданий бойликларни сақловчи хазина ҳисобланади. Музейда кўплаб илмий тадқиқотлар, истиқболли лойиҳалар, қўҳна қадамжоларга экспедициялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу музей фондини янада бойитиш, таълим масканлари учун янги қўлланмалар, адабиётлар яратиш, навқирон авлоднинг Ватанимиз тарихига бўлган қизиқишининг ортишига ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, музей фаолиятини янада такомиллаштириш, экспозицияларни янги топилмалар билан бойитиш, мавжудларини консервациялашга оид амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи коллекциялари асосида "Тарихий ва маданий ёдгорликлар" электрон базасини яратиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижасида мозийгоҳнинг археология, нумизматика, этнография, ноёб буюмлар, бадиий асарлар, қурол-аслаҳа фондларидаги ашёларнинг электрон маълумотлар базаси яратилган. "Ўзбекистонда музейшунослик асослари" дарслик қўлланмасини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш лойиҳаси асосида музейлар фаолиятини ўрганиш, ашёларни сақлаш ва консервациялаш, кўргазмалар ташкил қилиш, экскурсиялар олиб бориш, тарғибот-тушунтириш ишлари таҳлил қилиниб, бир қатор китоб ва қўлланмалар чоп этилди.

...Музейнинг мустақиллик даврига бағишланган қисми ғоят бой, қизиқарли ва ранг-баранг. Халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган истиқлол, тарихий сана — 1991 йил 31 августда мамлакатимиз мустақиллигининг эълон қилинишига оид қимматли манбалар, мамлакатимизда Президентлик бошқарувининг жорий этилиши тўғрисидаги ҳужжат, Биринчи Президентимизнинг Конституциямиз лойиҳаси устидаги ишларининг асл нусхалари, давлат тизими, Олий Мажлис сессияси, сайлов жараёни акс этган лавҳалар ва фуқаролик паспортлари — аждодлар мероси ва халқимиз қудратига таянган ҳолда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида чекилган заҳматлар ифодасидир.

— Музейларимиз фондларида сақланаётган халқимизнинг бой тарихи, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш бўйича давлатимиз томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. — Бунинг самарасида Ўзбекистон музейларининг жаҳон миқёсида нуфузи ошиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида музейи-

мизга келган меҳмонларни таҳлил қилганимизда, уларнинг етмиш фоизи ёшлар эканлиги аниқланди. Бу, бугун музейлар ёшларни маданий, тарихий, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асарлари билан таништириш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, музейни айланган инсон қалбида жонажон Ватанимизга, бунёдкор, танти ва саховатли халқимизга бўлган меҳр янада ортади. Шу юрт фарзанди эканидан қалби чексиз фахр-ифтихорга тўлади. Ўзбекистонимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, истиқлол берган имкониятларнинг нақадар буюк саодат эканини, юртимизнинг нурафшон истиқболи учун дахлдорликни, масъулиятни яна бир бор дилдан теран англайди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Брифинг

ПРЕСС-ХОЛДА ИЖТИМОИЙ СОҲА МУҲОКАМАСИ

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни оммавий ахборот воситаларида тезкор ёритиш, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда журналистлар ўртасида юзма-юз мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузурида Пресс-хол фаолияти йўлга қўйилган эди. Брифинг шаклида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 январда имзоланган "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов таъкидлаганидек, "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга мувофиқ, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилади. Бунда касб-ҳунар коллежларида ўргатилаётган касб-ҳунарлар сонини ошириш ҳам кўзда тутилганлиги аҳамиятлидир. Бундан ташқари, мазкур фармон мавжуд касб-ҳунар коллежлари фаолиятини оптималлаштириш, кадрларга бўлган реал эҳтиёжни тўла қоплаш, иш берувчи корхоналар таклифлари асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудида 11 йиллик таълим тизими қайта тикланган эди. Бу, айниқса, ота-оналар, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик ҳамда 9-синф битирувчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Ўрганишлар ҳам ўқувчининг ўзи туғилиб ўсган ҳудуддаги таълим масканида ўқишни давом эттириши унинг таълим олиш сифатига ижобий таъсир кўрсатишини намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам фуқароларнинг тиббий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришга, хусусан, тез тиббий ёрдам самарадорлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур қарорга биноан, эндиликда мулкчилик шаклидан қатъий назар, тез тиббий ёрдамга муҳтож кишиларга нафақат давлат, балки хусусий клиникаларда ҳам бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Қарорда, шунингдек, тиббиётнинг мазкур тезкор тизимини энг замонавий алоқа ва техника воситалари билан таъминлаш, бирламчи тиббий ёрдам муддатини янада қисқартириш, унинг сифатини яхшилаш, бу борада илғор иш услубларини жорий этиш билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳудудий филиаллари тез тиббий ёрдам станциялари негизида бутун республика ҳудудида тез тиббий ёрдамни шошилинч чақиришга мўлжалланган, ягона телефон рақамида узлуксиз фаолият юритадиган Call-марказлар ташкил этилади. Қамчиқ довонида ҳар 20 километрда тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматлари фаолият юритадиган бўлди.

Мухтасар айтганда, ҳар иккала ҳужжат ҳам ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий ва мазмуний давоми бўлиб, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўргазма

Аждодларимиз барча даврда дунё илм-фани, маданияти ва санъати равнақига катта ҳисса қўшиб келган. Айниқса, бунда тасвирий санъат усталарининг алоҳида ўрни бор. Мазкур санъат турига аёл мусаввирлар ҳам муносиб ҳисса қўшгани эътиборга молик. Шамсирўй Ҳасанова ана шундай тасвирий санъат усталаридан бири эди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАЛИКАСИ

...1917 йил 6 августда Тошкент шаҳрида оддий меҳнаткаш оилада қиз фарзанд дунёга келади. Ота-онаси унга яхши ният билан Шамсирўй деб исм қўйишди. Отаси узоқ вақт заводда ишчи сифатида ишлаб, 1933 йилда ногирон бўлиб қолади. Рўзғор ташвиши ва фарзандлар тарбияси уй бекаси бўлган она зиммасига тушади.

Шамсирўй 1924 йилда Тошкент шаҳридаги Зебунисобегим номли мактабда таълим ола бошлайди. Кейинчалик мактабнинг номи бутунлай ўзга бир шахс номи билан аталган бўлса-да, ёш қизнинг қалбида шоира Зебунисобегим сиймоси муҳрланиб қолди. (Ижодкор рассом бўлиб улғайганида унинг сиймосини бетакрор рангларда гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Шамсирўй мактабни тамомлагач, ўқишни аввал Тошкент педагогика билим юртида, орадан икки йил ўтиб, Тошкент тасвирий санъат билим юртида давом эттирди. Таълим жараёнида кўплаб устозлардан, жумладан, замонавий ўзбек рассомчилиги намояндаларидан бири Александр Волковдан рассомлик сир-асрорларини ўрганди.

Шамсирўй Ҳасанова Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси қошидаги ёш рассомлар студиясида икки йил малака оширади. Шу билан бирга 1939 йилдан Ўзбекистон давлат санъат музейида экскурсия олиб борувчи сифатида фаолият бошлайди.

Бўлажак рассом ҳаёти ва ижодида Ўзбекистон давлат санъат музейи ёркин из қолдирган. Музейнинг XX аср 40-50 йиллардаги фаолияти айнан мана шу фидойи аёлнинг матонати, меҳнати ва шижоати билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга унинг таниқли рассом, маҳоратли ижодкор бўлиб етишишида ҳам музей ва унинг жамоасининг ўрни беқиёс. Рассом умрининг охирига қадар шу даргоҳда фаолият олиб борди ва ижод қилди, ўз ижодий услубига эга бўлди. У узоқ йиллар музейда илмий ходим, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифаларида фаолият юритди. Йигирма тўққиз ёшида унга Ўзбекистон давлат санъат музейи директори лавозими ишониб топширилди.

Мусаввир Шарқ ва Ғарб тасвирий санъати услубларини чуқур ўрганган, Марказий Осиё миниатюра мактаблари тажрибалари ҳамда қадим услуб ва йўналишларни Европа реалистик санъати анъаналари билан уйғунлаштириб ўзига хос янги пластик ечимга эришган. Рассом портрет жанрида ҳам серқирра ижод намуналарини яратган. "С.Норқўзиев портрети", "Қизалоқ портрети" "Автопортрет" асарлари шулар жумласидандир.

Шамсирўй Ҳасанова учун халқимиз маданияти, маънавияти чексиз илҳом манбаи бўлди. У мумтоз адабиётимизда муҳаббат, садоқат ва вафо куйчилари бўлган шоираларимиз Нодирабегим, Увайсий, Зебунисобегим портретларини миллий рухда маҳорат билан тасвирлаган. Суратларда ўзбек аёлига хос фазилат ва ҳислатлар, айниқса, ҳаё ва меҳр барқ уриб туради. Яна бир муҳим жиҳат: у ўзбек тасвирий санъатида биринчилардан бўлиб натюрморт жанрида асарлар яратди. Ҳар бир ранг гаммасига эътибор қаратди ва унинг воситасида реалликни тўла-тўкис ифода эта олди. Унинг асарлари республика ва хориж мамлакатларида, жумладан, Москва, Прага, Париж шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш этилди.

Шамсирўй Ҳасанова 1956 йили оғир хасталикдан сўнг бу ёруғ дунёни тарк этди. Бироқ ўттиз тўққиз йиллик қисқа умри давомида рассом ўз номини тасвирий санъат тарихига муҳрлаган асарлар ярата олди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида Шамсирўй Ҳасанова таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон тасвирий санъатининг маликаси" номли кўргазма ташкил этилди. Унда рассомнинг, асосан, миллий рухда яратилган энг сара асарлари намойиш этилди. Кўргазмада юртимизнинг турли ўқув даргоҳларининг

профессор-ўқитувчилари, талабалар, таниқли рассомлар, санъатшунос олимлар ва кенг томошабинлар иштирок этди.

— Миллийлигимиз, азалий қадриятларимиз, ўзбекона қиёфамиз, тафаккуримиз жо бўлган асарлар ҳамиша, ҳамма вақт юксак эътибор қозонган, — дейди рассомнинг укаси Эркин Каримов. — Опам Шамсирўй Ҳасанова ижодидаги миллий руҳнинг устунлиги, айниқса, унинг ўзбек аёллари сиймосини тасвирлашида яққол акс этади. Бугунги кўргазма ҳам ижодкор асарларига ҳурмат-эътибор намунаси ва ёшларга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Обид ТАНГИРОВ,
Шодлик ХИДИРОВ,
Ўзбекистон давлати санъат музейи илмий ходимлари

Эҳтиром

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН УСТОЗ

...Шинам аудитория. Ҳушёр бир сукунат чўмган. Талабалар бутун вужуди қулоқ бўлиб, устоз ваъзини тинглаб, муҳим ўринларини дафтарга қайд этиб бормоқда. Машғулот қўнғироқ чалунгунча юқори пардаларда давом этади. Соҳасининг пири бўлиб кетган устоз гапни нимадан бошлаб, қандай тугатишни роса чамалаб олган. Буни у "композиция" дейди. Ушбу тушунча талабаларга алоҳида сабоқ сифатида ҳам ўргатилади. Ахир улар фақат назария билан қуролланиб қоладиган кишилар эмас, балки ўрганганлари асосида ижод қиладиган соҳа вакиллари. Қолаверса, мана шу хусусият касбнинг асосий белгиси ҳисобланади. Олим назарияни билим сифатида сақлайди, журналист эса у билан қуролланиб, ижод қилади.

Устоз маърузада давом этар экан, тингловчиларни бир-бир назардан ўтказиб, кўнгли ҳаприқиб кетади. Талабалар ҳам чакки эмас, кўпининг биринчи китоблари аллақачон нашр этилган ёки шов-шувли чиқишлари билан исми тилга тушган — машҳурларининг мухлислари ортидан эргашиб юради. Ҳамма ҳам журналист қавмининг суҳбатига ошиқади. Шогирдлар камоли устознинг бахти-да. Шуларни хаёлдан кечириб, устоз пардани яна ҳам баландроқ олади, жаҳон журналистикаси тарихидаги энг илғор тажрибаларни "майдонга тушириб", талабалар қизиқишини баттар орттиради. Сабоқ шу тарзда давом этади...

Устоз Сайди Умировни доим шунақа "турмуш тарзи"да тасаввур этаман. Балки бул зот билан илк учрашувим дорулфунун аудиториясида рўй берганиданми, у доим талабаларга сабоқ берадиган алпозда муҳрланиб қолган. Ҳолбуки, кейинчалик ҳаёт кўрсатди — Сайди Умиров фақат ўқитувчи-олим эмас, ёзувчи-публицист, жамоат арбоби, таълим ташкилотчиси, ёшларнинг севимли мураббийси ҳам экан.

Устоз эсдаликларининг бирида: "Журналистика факультети ўқитувчилари уч тоифага бўлинади: 1) ёзиш-чизишни биладиган; 2) бу ишни нари-бери, ҳаминқадар, чала-чулпа бажарадиган; 3) ёзиш-чизишдан умуман йироқ, фақат "назарий тайёргарликка эга одамлар" тарзида қайд этади. Муаллифнинг ўзи бу ҳолни шундай шарҳлайди: "Журналистика факультети ўқитувчиси илм, ижод, мураббийликни бирга олиб бормоғи ҳам қарз, ҳам фарз, айтганингни ўзинг амалда кўрсатиб берсангина талаба сенга ишонади. Бирор чолғу асбобини чалолмаган кишининг мусиқа билим юртида ишлаши, копток тепишни билмайдиган одамнинг футбол мураббийи, сузишни билмайдиган одамнинг сузишдан йўрикчи (инструктор) бўлиши шубҳали". Нақадар адолатли эътироф, қолаверса, ўзига ишонган ва ўзига нисбатан талабчан мутахассиснинг иқрори бу. Шубҳасиз, Сайди ака биринчи тоифага мансуб, аммо ул зотнинг қолган икки тоифа, айниқса, учинчи тоифага хос "одам"лар билан ҳам бир умр ишлаб

келганини тарозига қўйсак, бундай очиқ эътироф, мардлик қанчалик таъналарга сабаб бўлганини ҳам тасаввур этиш қийин эмас.

Шуниси эътиборлики, домланинг факультет(лар) даги фаолияти майда-чуйда иззатталабликлардан юқори, улуғвор ва саховатли кечган. Унинг маърузаларидан кўпчиликнинг касбий малакаси шаклланган бўлса, ҳаётий ўгитлари орқали яшаш илмидан сабоқ олган. Ҳар бир соҳанинг ўзига хосликлари бўлганидек, журналистика ҳам бундан мустасно эмас. Агар бўлажак касб соҳиби ҳам, унда сабоқ берадиган устоз ҳам ана шу "сир"ни тушуниб етмаса, умумий "хор"га қўшила олмайди. Бу соҳа тинимсиз тарашлаб туриладиган ва фақат асл ўзагигина қоладиган савр дарахтига ўхшайди. Жараён мана бундай: кўплар "журналистика сўзининг жарангига учиб" (профессор Очил Тоғаев ибораси) бу соҳага қадам қўяди. Кириш имтиҳонларидан ўтади ҳам, аммо дастлабки сабоқларданоқ хатосини тушуниб, факультетни тарк этади. Бу жараён баъзан охирги курсгача давом этади. Қўлга диплом теккач ҳам айримларнинг ишлаб кетиши қийин кечади. Ишлаганлар қаторидан ҳам маълум қисмнинг юлдузи ёркин порлайди. Бу шафқатсиз "пирамида" устоз Сайди Умировга тажрибадан ёд бўлиб кетган. Ва вақтида берилган тўғри йўналиш баъзиларнинг умрини бекорга совурилишининг олдини олгани ҳам айни ҳақиқат. Бироқ умидли дунё, шундай пайтда домла шогирдларига бу соҳа тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб қилишини, чексиз қувват ва шу билан бирга мудом сабрли бўлиш лозимлигини ҳам қатъий таъкидлайди. Бугунги кунда миллий журналистикамизда фаолият кўрсатаётган ходимларда ушбу эслатишлар касб йўриқномаси бўлиб қолган ва унга амал қилганлар юқори марраларни забт этиб боряпти.

Ўз маслагига содиқ қолган устоз нафақат ўгитлари, балки ижод борасида ҳам талабаларга ўрнак бўлиб келмоқда. "Ҳуррият" газетасида эълон қилинган Навоий иқтисодий зонаси ҳақидаги "Дадил одимлар" очеркини ўқиб, ҳали устоздан ўрганадиган нарсаларимиз кўплигига амин бўласиз. Таҳлилий-иқтисодий йўналишдаги очеркда журналистика назариясида жамланган жами қоидаларнинг амалдаги истифодаси ўз аксини топган, мужассамлашган. Шу маънода уни ўқув қўлланмаларига киритиш мумкин. Ёки дунё миқёсидаги машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ҳақидаги тадқиқотларининг энг нуфузли нашрларда эълон қилиниши нафақат муаллифнинг, балки журналистикамизнинг ҳам ютуғи. "Сайёравий тафаккур адиби" тадқиқоти билан устоз шогирдларига писанда қилаётганга ўхшайди: "Чингиз Айтматовдек бўлинглар, шунда сиз ҳақингизда ҳам мақола ёзаман".

...Аудиторияда сабоқ давом этмоқда. Бугун янги мавзу. Устоз ҳам янгича усул қўллайди. Ўртага савол ташланади: "қани, айтинг-чи, корреспонденция нима?" Кимдир "катта мақола" дейди, кимдир бадиий тус беради: "мақоланинг акаси". Иштибоҳ пайдо бўлади ва устоз заргарона назар билан бу икки жанрнинг фарқини тушунтириб беради. Устоз назарида, назарий тайёргарлик бу — аккумиляция қилинган энергия. Машинанинг ёнилғиси қанча кўп бўлса, у шунча узоқ йўл босади — устоз хулосасининг халқона талқини шундай. Сайди Умировнинг шогирдларини доим ўқиш-ўрганишга, изланишга чорлаши шундай мантиққа асосланган. Устознинг ўзи эса эришган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада юксак марралар сари боришдан, шу йўлда ўз билим ва тажрибасини, касб малакаси ва маҳоратини муттасил бойитиб, такомиллаштиришдан асло чарчамайди. Нега деганда ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган устозларгина ҳар томонлама етук инсонларни камол топтиришга қодир бўлишини устоз яхши англайди.

Ҳаким САТТОРИЙ,
журналист

Президент ташрифидан сўнг...

ТЕРМИЗДА БАХШИЛАР МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Сурхондарёга ташрифи чоғида Термиздаги "Амударё" соғломлаштириш болалар оромгоҳида бўлиб, унинг ҳузурида барпо этилган умумтаълим мактаби негизида фаолият юритадиган бахшилар мактабида яратилган шароитлар билан ҳам танишган эди.

Халқ оғзаки ижоди доимо халқнинг бадиий тарихи, миллий ва маънавий қадриятларининг сарчашмаси бўлиб келган. Сурхондарё ана шундай бой ва бетакрор маданий меросга эга воҳалардандир. Бу ерда, хусусан, Шеробод туманида қадим-қадимдан бахши-шоирлар мактаби "устоз-шогирд" анъаналари асосида фаолият кўрсатиб келган. Қанчадан-қанча бахшилар мактаб сабоғини олиб, йиллар ўтиши билан етук бахши сифатида "учирма" бўлган. Бу ижодий мактаб бугун ҳам ўз ишини муносиб давом эттириб келмоқда. 2017 йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев Термизда бахшилар мактабини ташкил этиш бўйича ўз тавсиясини берган эди. Давлатимиз раҳбари бу галги сафари чоғида ушбу режаларнинг бажарилиши билан танишар экан, Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев ва Абдуназар Поёнов билан суҳбат чоғида қадимий санъатимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида ҳали кўп ишлар қилишимиз кераклигини таъкидлади. Куюнчаклик билан "момоларимиз айтган эртагу маталлар, топишмоқларимиз, тўйларимизнинг боши бўлган бахшиларимиз қани? Биз нега бундай меросни йўқотяпмиз? Ахир эртанги авлодга миллий меросимиз сифатида нима қолдирамиз?", дея юрагидаги сўзларини баён этди.

Глобаллашув жараёни шиддатлашиб, "оммавий маданият" ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидларнинг хавфи тобора ортаётган бугунги ҳаётимизни ҳимоялашнинг энг мақбул йўли — миллий қиёфамиз ва қадриятларимиздан узилмаслик. Ёши улуғ кишилар яхши эслайди: авваллари тўйга биринчи бўлиб бахши айтиларди, у халқимиз хазинасидаги бебаҳо терма-достонларимизни жўшиб куйларди, меҳмоннинг кайфияти чоғ бўлиб уйига қайтарди. Президентимиз воҳа бахшилари билан бўлган суҳбатда айни шу жиҳатни назарда тутиб, "тўйларимизни бахшилар бошлаб берса, қандай гўзал иш бўларди", деган фикрни айтди. Қолаверса, қадим бахшичилик анъаналарига эга бўлган бошқа ижодий мактаблардаги тарқоқликни бартараф этиб, мамлакат миқёсида кўрик-танлов, фестиваллар ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодиёти хазинамиз ҳали неча авлодларга етарли бой манба бўлиб хизмат қилади. Айни чоғда улар бугун ҳар қачонгидан ҳам эътибор ва ҳимояга муҳтож. Номоддий меросимизга давлат миқёсида эътибор қаратилиши, унинг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши миллат эртаси, юрт равнақи йўлидаги буюк хизматдир. Ташкил этилган мазкур бахшилар мактаби Марказий Осиё ҳудудидаги ягона ана шундай масштабли эканлиги билан ҳам аҳамиятли. Унинг илк ўқувчилари сафига қабул қилинаётган ёшлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар кўзидаги севинч ва қалб туғёнларини пайқагандек бўлдик.

— Бахшичиликка ёшлигимдан қизиқаман, — дейди мактабнинг илк ўқувчиларидан бири Аслиддин Раупов. — Устоз бахши Шоберди Болтаевга шогирд тушаяпман. Илк сабоқлар орқали дўмбира чалиш, унда оҳанг, бахши овозининг қуйга қандай боғланиши ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдим. Келгусида бу санъатни мукаммал эгаллаб, халқаро миқёсда тарғиб этишни ният қилганман.

Шундан сўнг дўмбирасини қўлига олган Аслиддин қуйлай кетди:

..Мен айтайин "Алпомиш"дай достонни,
Достон эмас, очиб берай бўстонни.
Жаҳон таниди бугун Ўзбекистонни,
Гўзал Ўзбекистоним, ғазал Ўзбекистоним...

Ёш бахши дилидан қуйилиб келаётган сатрлар тингловчи тасаввурида эзгу ва боқий тушунчаларни яна бир бор жонлантиради: ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик аҳамияти, эрк қадри, юрт ишқи, адолат тантанаси...

Мактабда февраль ойидан бошлаб доимий машғулотларга киришилади. Ҳозир машғулотлар олдидан ўқувчилар билан тайёргарлик жараёни кетмоқда. Доимий ўтказиладиган дарсларга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевни суҳбатга тортдик.

— Юртбошимиз билан бўлган учрашув унутилмас бўлди, фольклор санъатига шундай юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Шоберди бахши. — Мана, қисқа вақт мобайнида мактаб қурилиши якунланиб, замонавий қиёфага эга бўлиб турибди. Албатта, бундан бениҳоя мамнунмиз. Бугун воҳамизда бу мактабнинг устозлари бўла оладиган элликка яқин бахши катта қувонч билан ушбу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Эннинг бахшиси бўлиш бўлғуси санъаткордан бахшиёна қалб, катта меҳр ва садоқат талаб этади. Айни дамда бир пайтлар ўзимнинг устозларга шогирд тушган кунларим ёдимга тушяпти. Бахши, менимча, аввал мусиқа илмини пухта билиши керак. Сўнг ижрода куй ва сўз уйғунлигига эришмоғи жуда муҳим. Биласиз: бахшичиликда фонограмма бўлмайди, яъни бу санъатни сохталаштириб бўлмайди. Унинг жозибаси жонли ижрода. Бахшининг фақат ширали овози, чечан сўзи, дўмбирани маҳорат билан чертиши тингловчини ўзига жалб этади, сеҳрлайди. Бахшиларимизнинг яна бир ютуғи — айтишувларни қайта тиклаяпмиз. Бу санъаткорнинг ижро маҳоратини ошириб, бадиҳагўйлигини, истеъдодини янада сайқаллайди. Президентимизнинг тавсияларини тўла рўёбга чиқариш учун бор маҳоратимизни аямаймиз.

Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов ҳам суҳбат давомида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев учрашувда биз бахшиларнинг юрагидаги гапларни топиб гапирди, — дейди Абдуназар бахши. — Энди анъанавий бахшилар фестивали ўтказилиши, унга дунёдан фольклор ижрочилари таклиф этилиши, миллий бахшичилигимизнинг жаҳонга танитиш имкони пайдо бўлаётганидан қувондик. Истеъдод ҳамма вақтда ҳам эътибор талаб этади. Уни пайқаш, излаб топиш ва шароит яратиш катта фидойилик демак. Юртбошимиз томонидан шундай ғамхўрликлар қилинаётгани биз ижодкорларни янада руҳлантириб, бу ишларда камарбаста бўлишга чорлаётир. Умид қиламанки, мактабимиздан ҳали кўплаб иқтидорли бахшилар етишиб чиқади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Термиз шаҳридаги 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби жорий йилнинг февралидан ўз фаолиятини бошлаши кутиляпти. Ҳар йили 25 ўқувчи қабул қилиниб, уларнинг 10 нафари бахшичилик йўналишида таълим олиши режалаштирилган. Мактабдан ташқари таълим муассасасида машғулотларга ўқувчилар ўрта мактабдаги сабоқлардан бўш вақтларда, индивидуал жадвал асосида жалб этилади. Бунда ўқувчиларнинг дастлаб мусиқий саводхонлиги оширилиб, ижро, эшитиш маҳорати шакллантирилади. Шу мақсадда ушбу мактабга вилоятдаги тажрибали мутахассис, бахшилар таклиф этилмоқда. Бу эса юртимиз бахшичилик мактабининг етук намояндалари кашф этилишида, бугунги глобаллашув даврида "оммавий маданият" таҳдиди билан курашишда, келажак авлодлар онгу қалбидаги маънавий юксалишда ғоят катта аҳамиятга эга.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ЛИМОН ШАМОЛЛАШ ВА ГРИППДА ФОЙДАЛИ

Мутахассисларнинг фикрича, лимондаги С витамини инсон организмидаги моддалар алмашинувини яхшилаб, қандли диабет касаллигига чалинишнинг олдини олади. Лимон шарбати саратон хасталигини бартараф этиш хусусиятига ҳам эга. Яъни, овқатланишдан олдин янги лимон шарбатидан 2 чой қошиқ ичиш инсон организмини саратон ҳужайрасини ўсимтага айлантирадиган заҳарли моддалардан тозалайди. Тиббиётда лимон мевасидан меъда, жигар, ўт йўллари ва буйрак касалликларида фойдаланилади.

Гипертония ва қандли диабетда кунига уч маҳал лимон истеъмол қилиб туриш тавсия этилади. Ярим стакан лимон шарбатига бир стакан асал аралаштириб тайёрланган аралашма ҳуснбузар, сепкиллар, қонталаш, моматалоқларни йўқотишда яхши самара беради. Томоқ оғриғи безовта қилганда бир стакан лимон шарбатини шунча миқдордаги сув билан аралаштириб, бир чой қошиқ шакар солиб, ҳар икки соатда истеъмол қилиш лозим. Нафас олиш йўллари шамоллаганда саримсоқпиёзни эзиб, яримта лимон билан аралаштириб, асал қўшиб ейиш тавсия этилади. Бу нафас йўлларини юмшатишга кўмаклашади. Тиш касалликларида, кариесда лимон шарбати билан оғиз чайиш яхши наф беради — бу тиш эмалини бақувват қилади ва оқартиради.

Минералларга бой лимон таркибидаги калий мия ва асаб тизимларини озиқлантиришда, кальций суяк ва тишларга, магний кальций билан биргаликда инсон организмида оқсил ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, лимоннинг ўткир ҳиди ва таъми инсоннинг тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида яхши самара беради. Лимон овқат ҳазм қилишда ёрдам бериб, у кальций, оқсил ва турли витаминларнинг организмга енгил шимилишини таъминлайди. Ушбу мевадан мунтазам истеъмол қилиш соч тўкилишининг ҳам олдини олади. У жигар ва ўт пуфагининг ишлаш жараёнини яхшилаб, организмдан токсинларнинг чиқиб кетишини таъминлайди. Лимонни шакарсиз истеъмол қилиш тавсия этилади, шунда у ўз фойдали хусусиятларини йўқотмайди.

Муқаддас қадамжолар бўйлаб

МУАЗЗАМ МАНЗИЛЛАР — ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Мамлакатимизда замонавий бинолар, кенг кўчалар, улкан кўприкларни бунёд этиш билан бирга тарихий обида ва ёдгорликлар, зиёратгоҳларни ҳам таъмирлаш, қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, кўплаб моддий ва номоддий маданий мерос объектлари кўркам қиёфа касб этаётир. Энг муҳими, бундай гўшаларга ташриф буюрувчилар, уларни зиёрат қилувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ана шундай муаззам манзиллардан бири — Қарши шаҳридаги Абу Убайда ибн Жаррох зиёратгоҳидир. Қарийб 5 гектарга яқин майдонни эгаллаган зиёратгоҳнинг кириш жойида китоб дўкони ўрин олган. Муқаддас динимизнинг софлигини илмий асословчи, эзгу ва ибратли ишларга бошловчи кўп китоб ва қўлланмаларни шу ердан топиш мумкин. Бу ердаги мўъжаз музей зиёратгоҳнинг ўтмиши, тарихи ва бугунидан сўзлайди. Музейда Қуръони Карим, қадимги қўлёзмалар, Шаҳрисабзнинг Оқсарой, Қарши шаҳридаги "Одина" ва "Кўкгумбаз" масжидларининг лойиҳалари ўрин олган. Бизгача зиёратгоҳ қадимий дарвозасининг ёғоч бўлаклари, темир ҳалқалар ва симдан тўқилган совутлар етиб келган. Бундан ташқари, Иордания давлатидаги Абу Убайда ибн Жаррохнинг қабри, у ердаги кутубхона ва масжиднинг суратлари ҳам ушбу мўъжаз музейда сақланади.

Турли манбаларда айтилишича, Абу Убайда ибн Жарроҳ милодий 584 йилда Макка шаҳрида таваллуд топган.

— У зот муқаддас ислом динини қарор топтиришда пайғамбаримизнинг энг фидойи саҳобаларидан бўлган, — дейди зиёратгоҳ раҳбари Исмоил ҳожи Райҳонов. — Шунингдек, у беназир ҳарбий салоҳият соҳиби саналади. Бу жиҳат, албатта, Соҳибқирон Амир Темур эътиборидан четда қолмаган. Шу боис, у 1401 йилда Шом диёрини забт этганида унинг Иордания ҳудудида жойлашган мақбарасини зиёрат қилади, мозори ҳокидан олиб келиб, Қарши шаҳрида рамзий мақбара қурдиради. Бу мақбаранинг Қаршида барпо этилиши бутун Моровроуннаҳр, хусусан, Амир Темур салтанати шаънини, обрў-эътибори, нуфузини бутун дунёда, айниқса, Ислом оламида оширишдек эзгу ниятга хизмат қилиши шубҳасиз эди.

Абу Убайда ибн Жарроҳ номи билан аталувчи ушбу маскан ҳафтанинг, айниқса, чоршанба кунида зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бир вақтнинг ўзида минглаб зиёратчиларни қабул қилувчи бу муқаддас масканда 2013 йилда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада, бу гўша янада обод ва кўркам қиёфа касб этди. Қадамжо зиёрат маскани, ўзига хос сайёҳлик объекти, қолаверса, археологик ёдгорликлар асл ҳолича сақланадиган очиқ осмон остидаги музейга айлантирилган.

Кутубхона ва мўъжаз музейдан ўтиб, зиёратгоҳ бўйлаб борар экансиз, атрофга ўзига хос ажойиб кўрк бериб турган манзарали дарахт ва кўчатлар, ям-яшил майса ва анвойи гуллар дилингизни хушнуд этади, кўнглингизга илиқлик бағишлайди. Йўлак бўйлаб икки томонда терилган қатор пештахталардаги ибратли сўзлар, улуғ аждодларимиз ва алломаларнинг доно ўгитларидан маънавий озуқа оласиз, идрокингиз тиниқлашганини ҳис қиласиз.

Зиёратгоҳ ҳудудида қарийб 300 йиллик тарихга эга қадимги тут дарахтлари қад ростлаб турибди. Бу тут дарахтлари, айниқса, ёзнинг жазирама ва офтобли кунларида зиёратчилар учун соя-салқин вазифасини ўтайди, уларнинг нафас ростлашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Атрофдаги ҳовузга шаршара мисоли таралиб турган сув меҳмонларга ўзгача кайфият улашади.

Муқаддас қадамжо ҳудудида тарихий обида — чиллахона мавжудлиги бу ёдгорликнинг янада қадим тарихга эга эканидан дарак беради. Олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида чиллахона ҳам қайта таъмирдан чиқарилди.

— Археологик қазишмалар натижасида чиллахона яқинидан 19 сағана (мақбара) топилган, — дейди Исмоил ҳожи Райҳонов. — Уларнинг қурилишига қараб, улуғ кишиларнинг сағанаси эканини англаш мумкин. Ўрганишлар давомида сағаналарнинг XIV-XIX асрларга оид экани аниқланди. Улар пишиқ ғиштдан қурилиб, усти ганч билан сувоқ қилинган.

Қадимги сағаналар ёнида жойлашган баланд минора ва икки гумбазли мақбара биноси бугунги кунда замонавий қиёфа касб этган. Пишиқ ғиштда бунёд этилган, миллий ва нақшинкор чизгилар берилган мақбара биноси фусункор кўринишга эга. Айнан ушбу мақбара биноси ичида Абу Убайда ибн Жарроҳнинг рамзий қабри жойлашган.

— Зиёратгоҳга нафақат вилоятимиз, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан, шунингдек, хорижлик сайёҳлар ҳам келишади, — дейди зиёратгоҳ иш бошқарувчиси Абдусаттор Розанов. — Бундай маданий мерос объектлари уларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Чунки бой миллий меросимиз, маънавий қадриятларимиз ана шундай муқаддас қадамжоларимизда тўлиқ намоён бўлади.

Қадамжода, шунингдек, ёғоч ўймакорлиги асосида бунёд этилган катта айвон ҳамда айлана шаклдаги уч айвон ташриф буюрувчиларга ҳамиша мунтазир. Умуман олганда, бу ерда зиёратчилар учун барча шарт-шароит ва имконият яратилган. Бу амалий ишлар, албатта, мамлакатимиздаги мавжуд тарихий обидалар, бой миллий меросимизни асраб-авайлашга нисбатан бўлган муносабатимизнинг ўзига хос кўзгусидир. Бу ислоҳотлар замирида юртимизнинг бой туристик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш каби эзгу мақсад ётади.

ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ҳам қатор амалий ишлар йўлга қўйилган.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан айни кунларда вилоятимиз ҳудудидаги мавжуд маданий меърос объектлари ҳолатини яқиндан ўрганиб чиқаяпмиз, — дейди партия вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов. — Обидаларнинг фотосуратлари, тарихи, бугунги кундаги ўрни, майдони ва жойлашганлик даражаси тўғрисида етарли маълумотлар йиғилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар бежиз эмас. Келгусида ички ва ташқи туризм соҳасини ривожлантиришда мавжуд ёдгорлик мажмуаларида кенг кўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, уларда хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этиш асосий вазифалардандир.

Албатта, Қашқадарёдаги муқаддас қадамжолар, тарихий ва ёдгорлик мажмуаларининг Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи сингари кўркам қиёфа касб этиши юртимизга келаётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризм ривожи, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Энг асосийси, бундай улкан мерос ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зотан, ўтмишимизга назар ташлаб, бугунимизни, келажагимизни англаймиз...

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси

БИЛАСИЗМИ?

● Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси тарихидаги энг тезкор ғол 2007 йил 7 март куни Мюнхеннинг "Бавария" ҳамда Мадриднинг "Реал" жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақанинг 1/8 финалида қайд этилган. Ушанда мезбонлар таркибида тўп сурган голландиялик футболчи Рой Макай ҳакамнинг ҳуштагидан ўн бир сония ўтиб, жамоадоши Ҳасан Салиҳамижич узатган тўпни рақиб дарвозасига йўллаган эди.

ТУРФА ОЛАМ

ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИШ ЮВГИЧ

"Colgate-Palmolive company" ҳамда "Apple" компаниялари ҳамкорликда "ақлли" тиш ювгич ишлаб чиқарди, дейилади "ria.ru" сайтида.

"Colgate Smart Electronic Toothbrush E1" номи остидаги маҳсулот компания сайтининг "iPhone учун аксессуарлар" бўлимига жойлаштирилди. Смарт-ювгичнинг нархи 99 доллар. Манбага кўра, тиш ювгичнинг ўзи оғиз бўшлиғи харитасини тузиб, фойдаланувчи тишларини қандай ювяётганини назорат қилади. Ундаги маълумотлар — тишнинг қайси қисми яхши ювилмай қолиб кетаётгани Bluetooth орқали смартфондаги "Colgate Connect" иловасига узатилади.

"Ақлли" тиш ювгич фақат "iPhone" билан ишлайди, уни "Apple" дўконларидан харид қилиш мумкин.

ШИНАМ ВА "МОСЛАШУВЧАН"

Хитойнинг "Sleepnumber" компанияси бир йўсинда уйқуни таъминловчи "ақлли" каравот ишлаб чиқарди, деб ёзади "life.ru".

Каравотни яратувчилар унинг қулайлиги ва шинамлигига эътибор қаратишган: у шаклини ўзгартириб, эгасининг эҳтиёжларига "мослаша" олади ва атрофга тезда уйқуга кетишга ёрдам берувчи эфир мойини пуркайди. Шунингдек, каравотда тебраниш функцияси бўлиб, у бел учун фойдалидир.

Антиқа каравот 499-999 доллар атрофида баҳоланмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 116, Адади — 9390. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.35. Топширилди — 00.50.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456